O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2003-yil, 23 may • № 21 (3703)


## ЭКРАНДА ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ

### ИЗЛАНИШЛАР, ЮТУҚЛАР, МУАММОЛАР

**Мустақиллик йиллари мамлакатимиз миқёсида қўлга киритилган ютуқларда халқ учун, юрт учун фидойиларча меҳнат қилган деҳқону ишчилар, ўз касбининг устаси бўлган мураббийлар, зиммасидаги бурчини шараф билан адо этаётган хизматчи ва зиёлиларни бутун эл танийди, ардоқлайди. Бундай инсонлар республикамизда чинакам ватанпарварликнинг ибрат олса арзигулик тимсолларидир. Ёниб яшаётган, ўзини аямаган одамлар ҳамма даврларда ҳам шарафга лойиқ топилганлар, улар ҳақида асарлар битилган, филмлар суратга олинган. Бундай ижодий заҳматлардан кўзланадиган мақсад ҳам аслида эзгу ниятларга йўлни кенг очиш, ёшларни яратувчи, соғлом ҳаётга даъват этиш, яхши амалларнинг кўпчиликка етказадиган кут-баракаси турмуш тарзимизда тобора барқарорлашувига эришишдир.**

**Агар халқимизнинг бой маданий меросига назар ташласак, фидойилик, элсеварлик адабиётимизнинг ҳам, санъатимизнинг ҳам етакчи мавзуларидан бўлиб келган. Бу қутлуғ анъана ҳозирги замонда ҳам истеъдод билан яратилган асарларда бўй кўрсатиб турибди.**

**Озод Ватан одами — замонамиз қаҳрамони сиймосини яратиш муаммоси газетамизнинг доимий мавзуларидан, десак янглишмаймиз. Бу муаммонинг бугунги адабиётимизда қандай талқин топаётгани газетада эълон қилинган олим ва ижодкорлар иштирокидаги давра суҳбатлари, шоир ва ёзувчиларнинг фикр-мулоҳазаларида ифодасини топган.**

**Бугун эса замонамиз қаҳрамони образининг "Ўзбектелефилм" студиясида суратга олинган филмларда қай даражада акс этаётгани билан боғлиқ муаммоларга бағишланган давра суҳбатини эътиборингизга тақдим этаяпмиз. Суҳбатда Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ва "Ўзбектелефилм" студияси бадиий кенгашлари аъзолари, студия ижодкорлари, кинодраматурглар, киношунослар, ижодий уюшмалар вакиллари қатнашдилар.**

Давоми 6-бетда.



Термиз шаҳрида бахши-шоирлар ва оқинларнинг анъанавий III халқаро кўрик-фестивали якунланди. Миллий анъаналаримиз ва қадриятларимиз тарғиботига муносиб ҳисса қўшаётган, юксак ижрочилик маҳоратини намоён этган бир гуруҳ ижрочилар тақдирландилар.

Шерободлик Шодмон Хўжамбердиевга биринчи ўрин берилди.

## БАХШИ ШОИРЛАР БЕЛЛАШДИ



Учта иккинчи ўрин Е.Абдуллаев (Хоразм), А.Раҳимов (Қашқадарё) ва Б.Маматмуродов (Сурхондарё)ларга насиб этди. Қашқадарёлик Қ.Раҳимов, сурхондарёлик А.Поёнов, Тошкент вилоятидан Ж.Субанов ижролари учинчи ўринга лойиқ топилди. Шунингдек, бир неча ижрочилар рағбатлантирувчи мукофотлар, ҳомийларнинг совғаларига сазовор бўлдилар.

## ОЗОД ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ





НУКУС ТЎЙ ТАРАДДУДИДА

*Н.Алмуродов олган суратлар*

Тўра МИРЗАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти

## АКАДЕМИЯВИЙ ФАН УФҚЛАРИ

***Неча бор Уйғониш даврини бошидан кечирган, қанчадан-қанча буюк алломалар етишиб чиққан она юртимизда тамаддуну тараққиёт фан равнақи билан боғлиқлиги азалдан яхши маълум. Мозийда жаҳон тамаддуни бешигини тебратган аждодларимизга бугун ўзини ворис билган замондошларимиз фанни ҳаётнинг барча жабҳаларида устивор, деб ҳисоблайдилар. Воқеан, бу — ҳаёт ҳақиқати ҳамдир. Чунки фан қудратли икки қутбга эга: моддият ҳам, маънавият ҳам унинг равнақига узвий боғлангандир. Улар қамраб олмаган ҳаётнинг бирор кўлами йўқ.***

***Фан асло фаразлар йиғиндисидан иборат бўлиб қололмайди. У — жараён бўлиб, Вақт силсиласида ўз моҳиятини қарор топтириб боради. Унинг моҳияти тажриба ва амалиёт билан вобаста бўлгандагина теранлик ва ҳаётийлик касб этади.***

***Биз истиқлол йилларида фаннинг иккала қудратли қутби бўйича ҳам юз берган тарихий ўзгаришларнинг гувоҳи бўлдик. Маънавиятимиз юксалишига хизмат қилган фаннинг иккинчи қутби, айтиш мумкинки, мафкурамизнинг шаклланиши учун бамисоли сарчашма вазифасини ўтаётир. Ижтимоий-гуманитар фанларимизнинг улкан бир ютуғи — мустамлакачилик мафкураси тазйиқи остида сохталаштирилган ўтмиш тарихимиз қайтадан кўриб чиқилгани ва мамлакатимизнинг асл янги тарихи яратилаётганлиги билан ҳам изоҳланади.***

***Ушбу мақолада академиямизнинг ижтимоий-гуманитар фанлари равнақига доир жараёнлар ҳақида сўз боради.***

Ўзбекистонда илм-фан қадимдан ривожланиб келган. Агар аждодларимизнинг табиат ва жамият ҳақидаги дастлабки амалий ва илоҳий билимлари, асотирли қарашлари мужассамлашган "Авесто" китобидан тортиб, бугунгача яратилган илмий, адабий, тарихий, фалсафий асарлар, кашфиётлар, технологиялар, самарали ғояларни умумий тарзда назардан ўтказадиган бўлсак, халқимизнинг ниҳоятда катта илмий салоҳиятга эга эканлиги аён бўлади. Ҳатто бизда академия тизимидаги жамият ва муассасалар X — XI асрларда юзага келган. Бундай ҳолни Европа мамлакатларида фақат XV — XVI асрлардан бошлаб кўрамиз, холос. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов бу ҳақда шундай деган эди: "Муболағасиз айтиш мумкинки, фанимиз, ақл-заковат салоҳиятимизнинг ноёб ва гўзал биносига бундан кўп асрлар муқаддам пойдевор солинган эди. Мамлакатимиз фани жуда қадим замонлардан юксала бошлаганини, унинг чуқур ва қудратли илдизлари борлигини фахрланиб айта оламиз. У асрлар давомида ўзбек миллатига, бутун инсониятга табиат сирларини ўрганишда, тиббиёт, фалсафа, ҳуқуқшунослик, илоҳиёт, адабиётшунослик ва тилшуносликда ишончли хизмат қилиб келмоқда". Ана шундай тарихий асосга таянган Ўзбекистон фанининг бугунги тараққиётида мустақиллик йилларида катта имкониятлар яратилди. Буни Фанлар академиясининг ижтимоий-гуманитар институтларида кейинги икки-уч йил давомида олиб борилган тадқиқотлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иқтисодиёт, Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик, Тарих, Яҳё Ғуломов номидаги Археология, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтлари ҳамда Алишер Навоий номидаги Адабиёт, Ўзбекистон тарихи, Темурийлар тарихи давлат музейларида, шунингдек, 2002 йилнинг августидан иш бошлаган Қатағон қурбонлари хотираси музейида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Академиянинг минтақавий бўлимлари — Хоразм Маъмун академияси, Қорақалпоғистон бўлимида ижтимоий-гуманитар фанлар соҳалари бўйича изланаётган институтлар ва илмий гуруҳлар мавжуд. Бу муассасаларнинг ҳар бирида бугун айтишга арзийдиган илмий натижалар бор. Масалан, биргина Тарих институтида 2000-2003 йилларда қирқдан ортиқ рисолалар (монографиялар), илмий тўпламлар, дарслик ва қўлланмалар эълон қилинди, ўттизга яқин илмий анжуман ва семинарлар ўтказилди. Ёки Ўзбекистон тарихи давлат музейида энг қадимги даврлардан бошлаб бугунгача халқимиз босиб ўтган йўл, унинг тарихи ва маданиятини узлуксиз ижтимоий-сиёсий ва тарихий-маданий жараён сифатида кўрсатувчи янги экспозиция яратилди. Ёхуд Самарқанд яқинидаги Кўктепа, Тошкент вилоятидаги Шоҳрухияда олиб борилган қадимшунослик сафарлари натижасида аслзода аёл тақинчоқлари, Амир Темур даври аскарининг ҳимоя воситалари — совут ва дубулға қаторида шу йилнинг 14 мартида Жиззах шаҳридаги Ўрта сўлоқли маҳалласида яшовчи Донабоев Ихтиёрнинг ҳовлисида қазув пайтида V — VI асрларга оид бўйи 170 сантиметрли хум-остадон топилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

**Давоми иккинчи бетда.**



## ИНСОНГА ТАЪЗИМ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, рассом Азиза Маматовани муштарийларга батафсил таништириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Кўп йиллардан буён рангтасвир жанрида самарали ижод қилиб келаётган бу рассом асарлари фақат Ўзбекистонда эмас, чет элларда ҳам санъат мухлисларига яхши таниш. Айниқса, унинг чуқур фантазияга йўғрилган портрет асарлари ихлосмандлар томонидан кўп эътироф этилган.



Айни кунларда Ўзбекистон давлат Санъат музейида Азиза Маматованинг Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ташкил этилган шахсий кўргазмаси намойиш этилмоқда. Кўргазмага қирққа яқин асарлар қўйилган бўлиб, улар орасида буюк бобокалонларимиздан тортиб, яқин ўтмишдошларимиз ва замондошларимизнинг портретлари бор. Бетакрор портретлар мажмуи гўё рассомнинг ижодкор инсонга таъзимидек таассурот қолдиради.

**Жамшид МАТЁҚУБОВ**

***Суратда:* рассом асарларидан намуналар.**

## ХОЖА АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙНИНГ 900 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Тариқат шайхлари ичида шеъриятга мурожаат этмаганлари йўқ ҳисоби. Улар шеъриятнинг бошқа жанрларида ҳам (масалан, ғазал, қитъа, ҳикмат, маснавий...) — қалам тебратган бўлишларига қарамай, ижодларининг асосий қисми рубоийлардан иборат. Кўпчилик тасаввуф пирлари эса фақат рубоий ёзиш билангина чекланганлар.

Маълумки, рубоий — тасаввуф адабиётининг тамал тошини қўйган жанрлардан ҳисобланади. Бу жанрнинг ихчам ва сиқиқлиги, оммавий ва таъсирчанлиги, имкониятларининг кенглиги сўфиёна ғоя ва қарашларни тарғиб этиш учун жуда қўл келган. Шайх-шоирлар уни ўз таълимотларининг асосларини тушунтириш ва кенг халқ орасига ёйиш учун восита қилиб олиш билан рубоийни сўз санъатининг довруғдор жанрларидан бирига айлантирдилар. Чунки тасаввуф пайдо бўлгунга қадар рубоий асосан халқ оғзаки ижодининг етакчи жанрларидан бири бўлиб, унда фалсафийликнинг чуқурлашуви тасаввуфий ғояларнинг ишланиши билан боғлиқ.

Бу йил таваллудининг 900 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланаётган буюк ватандошимиз Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний (1103 — 1179) ҳам ўзининг ҳассос рубоийлари билан машҳур. Афсуски, улар бизгача тўлиқ етиб келмаган. 1994 йили Теҳронда чоп этилган "Рубоийнома" тўпламидан унинг 8 рубоийси ўрин олган. Шунингдек, тасаввуфий адабиётлар ва маноқибларда шайх-шоирнинг самоъ билан боғлиқ 2 рубоийсига дуч келамиз. Куни кеча босмадан чиққан М.Ҳасаний ва К.Қиличева қаламига мансуб "Ғиждувоний илм аҳллари хотирасида" рисоласида ҳам унинг 5 рубоийси насрий таржимаси билан келтирилган. Улардан иккитасини биз бошқа манбаларда учратмагандик. Биз ушбу 12 рубоийни таржима қилиб, азиз ўқувчилар эътиборига ҳавола этишни лозим топдик. Улар мусулмон Шарқида машҳур тариқат шайхининг шеърий салоҳияти ҳам юксаклиги, мана-ман деган сўз санъаткорлари муқобилига қўядиган рубоийлар яратганини кўрсатади.

### УМРИНГКИ, ЎТАР ЭКАН, МУРУВВАТ АЙЛА...

1

**Гар бир кишидан дилда шикоят бўлгай,**
**Дил оғриғи ундан бениҳоят бўлгай.**
**Ҳеч ўйлама интиқом олишни, чунки**
**Ёмонга ёмонлиги кифоят бўлгай.**

2

**Бир лаҳза тилим тин олмасин шукрингдан,**
**Бир лаҳза дилим тўхтамасин фикрингдан.**
**Ҳар узви қулоққа айланар жисмимнинг**
**Ҳар қайда сўз очсалар сенинг зикрингдан.**

3

**Токайгача ишқингда, санам, ғам чекаман?**
**Тоғдек бу улуғ ғамни дамодам чекаман.**
**Дил олгувчи гар сенсану дил бергувчи — мен,**
**Юз ғам чекаман кўйингда, минг ғам чекаман!**

4

**Зикр етса кўнгилга, у тамом дард бўлгай,**
**Ул зикр туфайли мардлар фард бўлгай.**
**Оташда агарчи хосият кўп, аммо**
**Кўнглингда сенинг икки жаҳон сард бўлгай.**

5

**Бир ёрки, унинг номидан ишқ ёғилади,**
**Ҳар номаю пайғомидан ишқ ёғилади.**
**Ким кўчасидан ўтса — у ошиқ бўлади,**
**Гўё эшигу томидан ишқ ёғилади.**

6

**Бу жилваю нозки, у дилафрўз қилгай,**
**Ошиқ балодан не хилда парҳез қилгай?**
**Гар таъна ели этса қулоғимни батанг,**
**Кўнглимдаги ишқ оташини тез қилгай.**

7

**Биз дўстга муборакмизу душманга-чи — шум,**
**Жанг чоғида темирмизу сулҳ онида мум.**
**Ғиждувон тоғи этаги бизга макон,**
**Лек ҳукмимиз остида эрур ҳаттоки Рум.**

8

**Умрингки, ўтар экан, мурувват айла,**
**Қўлингки, тутар экан, саховат айла.**
**Ўз ҳосилини ўзи ўрар ҳар кимса,**
**Бас, парвариши учун риёзат айла.**

9

**Эй пок сўфий, қилсанг агар майли самоъ,**
**Бил, келтиради самоъ нифоқ бирла низо.**
**Бас, пок бўлайин, десанг, самоъни тарк эт,**
**Ёинки, дилинг ҳаётига айла видоъ.**

10

**Майли этма самоъга, қилмагин ҳам инкор,**
**Сен танла шу йўлни, бўлса кўнглинг бедор.**
**Нафсинг ҳали ўлмай, сени қилса безор,**
**Қил рўза-намоз, бошқасидан кеч зинҳор.**

11

**Дарвеш дараю тоғ аро манзил тутади,**
**Ҳар лаҳза бу жойдан шеру йўлбарс ўтади.**
**Бор сафда улуғ пиру, сара мардларимиз,**
**Ким бизга ғанимдир — уни ўлим кутади.**

12

**Бизнинг сафимизга киру, мутлоқ қўрқма,**
**Бўл остонамиз остида тупроқ — қўрқма.**
**Қўзғолса сенинг қасдингга гар жумла жаҳон,**
**Сен изла нажот биздану ҳар чоқ, қўрқма!**

***Форс тилидан***
***Эргаш ОЧИЛОВ таржималари***

## ЯНГИ ОРКЕСТР ТАҚДИМОТИ



Куни кеча мусиқа ихлосмандлари Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залида ажойиб воқеанинг гувоҳи бўлдилар. Шу куни мазкур мусиқа даргоҳи бағрида янги умидли ансамбл туғилди. Консерватория ҳамда Успенский номидаги мусиқа академик лицейи талаба-ўқувчиларидан иборат мазкур камер оркестрига консерватория торли чолғулар кафедраси доценти Улуғбек Имомов раҳбарлик қилмоқда.

Оркестрнинг асосий мақсади ўзбек композиторларининг мумтоз асарларини ижро этиш ва ҳар бир концертда шу вақтгача пойтахтимизда янграмаган битта асарни мухлисларга тақдим қилиш. Тақдимот концертида Мухтор Ашрафийнинг "Сўзсиз қўшиқ" асари ижро этилди ҳамда словак композитори А.Дворжакнинг "Торли чолғулар учун серенада"си илк бор янгради. Шунингдек, яккахонлардан Елена Бровкина (пианино), Нилуфар Алимахсумова (скрипка) ва Аделя Нортожиевалар (скрипка) ижросидаги Моцарт, Венявски, Сарасате каби машҳур композиторлар асарлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

## БИЛДИРИШ

30 май жума куни соат 15[00] да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Болалар адабиёти кенгашининг анъанавий йиллик йиғилиши бўлади. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ўтказилаётган бу йиғин ва мушоирага ёзувчи-шоирлар, дарсликлар билан шуғулланувчи мутасаддилар, адабиёт дарсликлари муаллифлари ва адабиёт муаллимлари таклиф этилади.

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ**

## БОҒЧА БОЛАСИ

### ЁШИГА МУНОСИБ РАҚСГА ТУШСА

Касбим тақозосига кўра маданиятимиз ва санъатимиз намояндалари билан суҳбатларда бўлиб тураман. Яқинда шундай суҳбатларнинг бирида гап урф-одатларимиз ва қўшиқчиликка бориб тақалди. Шунда маданиятимиз жонкуярларидан бирининг фикрлари диққатимни тортди ва бу мулоҳазаларни муштарийлар ҳукмига ҳавола этишни лозим кўрдим:

— Мени бир нарса ҳайрон қолдиради: телевизорда қайси боғча ёки бошланғич синфларда ўтказилаётган тадбирлар ҳақида гап кетса, бир қарич болачалар ўзларига мос бўлмаган қўшиққа рақс тушаётган бўлишади ёки уларни келин-куёв қилиб ясатиб қўйишади. Бола болалигича қолиб, ёшига муносиб қўшиқ куйлаб, рақсга тушиши керак. Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни тушунтириш учун уларни катталарнинг ишини қилишга ва кийимини кийишга мажбур қилиш шарт эмас, деб ўйлайман.

Кўнглимни ғаш қилиб юрган яна бир гап бугунги қўшиқчилик ҳақида. Албатта, ёшимизга қараб мумтоз қўшиқларни, ўзбек халқ ашулаларини эшитишни хуш кўрамиз. Лекин матн ва куй уйғун бўлган, юқори савияда ижро этилган эстрада куйлари ҳам бизга бегона эмас.

Назаримда, ҳар қандай қўшиқ — у хоҳ мумтоз, хоҳ замонавий бўлсин, рақс билан ижро этилавермайди. Шундай қўшиқлар бўладики, ҳеч қандай рақссиз кўз ўнгингизда яхлит бир воқеликни намоён этади. Ҳозир ўрни бўлса-бўлмаса, истаган қўшиққа рақсга тушаётганлар кўп. Айниқса, эркак одам 5-6 раққосанинг ўртасига тушиб олиб, қилпиллаб қўшиқ айтганига нима дейсиз! Ёки раққос йигитлар қизларнинг қўшиғига рақсга тушаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Ўзбек йигитларидаги ғурур, орият қаерда қолди?

**Г.УМАРОВА**

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридаги санъат мактабига ўзбек миллий эстрада санъатининг ёрқин юлдузи, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров номи берилди.

Шу муносабат билан мактаб олдида буюк хонандага ўрнатилган бюстнинг очилиш маросими бўлди. Тадбирда шаҳар ҳокими А.Расулов, Маданият ишлари вазирининг ўринбосари Ф.Зокиров, машҳур санъаткорлар Икром Акбаров, Энмарк Солиҳов, Бахтиёр Ихтиёров, Хайрулла Саъдиев иштирок этдилар.

Кечқурун шаҳардаги "Цементчи" ўйингоҳида ўтган катта концертда машҳур "Ялла" гуруҳи, таниқли хонанда Мансур Тошматов ва ёш қўшиқчи Акмал Саидовлар қатнашдилар.

**Нурали АБДУРАСУЛОВ**

* * *

Яқинда пойтахтимиздаги 9-мусиқа мактабида эсда қоладиган йиғин бўлиб ўтди. Унда XXI аср бунёдкорлари — ёш истеъдодлар иштирок этдилар. Мактаб ўқувчиларининг мазкур йиллик ҳисоботи концертда замонавий эстрада куйлари билан бирга, Шарқ мумтоз мусиқаси ва қўшиқлари ҳам ижро этилди.

### ҚАЛБ ВА ҚИЁФА

# ҚАЙТА ЯРАТИШ САНЪАТИ

Матёқуб Қўшжоновнинг ёшликда кўзлари жуда ўткир эди. У кундузи ҳам осмондаги юлдузларни бемалол кўра оларди. Шу боисдан ҳам уруш йиллари у фашистларга қирон келтирган. Моҳир мерган — снайпер сифатида шуҳрат қозонган. Қизиққи, кўрар кўзнинг ўткирлиги бу инсоннинг ақл кўзига ҳам, кўнгил кўзига ҳам кўчган экан. Бадиий асарни таҳлил этганида олимнинг ўта кузатувчанлиги, синчковлиги сезилиб туради. Асардаги кичик бир номувофиқлик ҳам танқидчининг назаридан четда қолмайди. У бошқа танқидчилар илғамаган ғоят нозик, сезилар-сезилмас ишораларни пайқайди. Кўпчилик адабиётшунослар бадиий матнга ўз фикрларини асослаш воситаси, назарий гапларига мисол берадиган материал деб қарайдиган маҳалларда у бадиий матн хусусиятларини чинакамига ўрганган, асарни хулосага мосламай, хулосани матндан келтириб чиқарган олимлардан бўлди.



Атоқли адабиётшунос олим Матёқуб ҚЎШЖОНОВ неваралари билан.

Олимнинг «Давр талаби ва ижод масъулияти», «Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа» сингари жуда кескин танқидий руҳдаги асарларида қатъият, принципиаллик бадиий адабиётга хайрихоҳлик билан қўшилган ҳолда намоён бўлган. Бу мақолаларда танқид қилинган асарлар ўқувчиларнинг ёдидан кўтарилган бўлса-да, олимнинг тийрак қарашлари, баҳсдаги самимияти бугун ҳам оҳорини йўқотган эмас.

Матёқуб домла оламни яхлит кўради. Дунё ҳодисалари бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлигини теран ҳис этади. Домланинг эслашича, болалик чоғларида ўзи боқиб юрадиган йигирма-ўттиз қўйнинг ҳар бирини овозидан таниган. Бундай синчковлик кейинчалик илмий фаолиятида ҳам олимни тарк этмади. У турли ижодкорлар орасидан ўз овозига эга адибларни бехато таниб олди. Аммо олим асл бадиий асарларни адашмай таниш даражасига осонгина эришгани йўқ. Унга буюк меҳнаткашлик хос. У бирор бадиий асар тўғрисида мақола ёзишни ният қилса, ўқиб бўлгач, уни қайта яратишга уринади. Бу ҳол олимга муаллифни тушуниш, қаҳрамонларнинг ўй-фикр, ҳис-туйғуларини бошдан кечириш имконини беради. Бировнинг асарини ўз қалбидан ўтказгани учун ҳам олим бадиий асарнинг кучли ва ожиз жиҳатларини бехато кўради, қарашларини матнга таяниб асослайди.

Кўзчил олим дарахт ортида ўрмон, ҳодиса моҳиятида қонуният борлигини яхши билади. Шунинг учун ҳам бирор асарни текширар экан, унинг замиридаги эстетик ҳақиқатни топишга уринади ва бунга кўпинча муваффақ бўлади. Домла А. Қаҳҳорнинг «Бошсиз одам» ҳикоясини таҳлил қилиб, шундай хулосага келади: «Бошсиз одам Меҳри мажруҳ туққан ...бола эмас, балки ўз хотинини, боласини мажруҳ қилган ...жасаддангина иборат Фахриддиндир». Олим китобда матнга таяниб, бу қарашларини атрофлича асослаб берган.

Академик Қўшжонов таянадиган эстетик принциплардан бири китобхоннинг савиясига ишониш, уни бадиий асарнинг "истеъмолчиси"гина эмас, балки матннинг яратувчиларидан бири, деб билишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам олим «Ҳаёт ва маҳорат» мақоласида: «Санъаткор ёзувчиларнинг асарларини ўқиганда, кўпинча, нималардир айтилмай қолиб кетганга ўхшайди. Бироқ шу айтилмаган нарсаларни китобхоннинг ўзи топиб олади», — деб ёзади. Адабиётшуноснинг фикрича, ўқувчига ҳамма нарсани айтиб берган ёзувчи «...китобхон олдида пайдо бўлган муаммони ечиб беради. Китобхонни ...фикр қилишдан, ўйлаб кўришдан, мулоҳаза юритишдан маҳрум қилади». Чиндан ҳам ўқувчи матнга яқиндан фаол муносабатда бўлгандагина асарга бевосита ёндашади, яратувчи мақомига кўтарилади. Чунки у матндан ниманидир излаб топади, сиртдан кўзга ташланавермайдиган қандайдир бир жиҳатларни кашф этадики, бу ҳол уни матн яратувчиларидан бирига айлантиради.

Олим бадиий асарларни таҳлил қилар экан, унинг кўздан пинҳон жиҳатларини ҳам пайқайди ва бадиий ҳодиса сифатида асослайди. Чунончи, унинг «Абдулла Қаҳҳор маҳорати» китобидаги: «Бу ҳикояда («Анор»да — **Қ.Й.**) ўлим йўқ. Бироқ ўлимдан ҳам ёмонроқ, даҳшатлироқ бир нарса бор. Бу — йигитнинг севикли хотини истагини бажо келтира олмасдан изтироб чекиши, оқибатда ўғирлик қилишга мажбур бўлиши» тарзидаги хулосасида текширилган матнда айтилмаган, аммо соғлом ақл билан илғаб олиш мумкин бўлган фикр ўринли топилган.

Қўшжонов Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони билан «Ўтган кунлар» романидаги севги-муҳаббат тасвирини солиштирар экан: «Алишер Навоийда фожиа романтикани улуғласа, Абдулла Қодирийда романтика фожиадан келиб чиқадиган маънони улуғлайди», — деган хулосага келади. Адабиётшунос даҳо шоир ва улкан адиб ижодий принципларидаги етакчи хусусиятларни жуда нозик фарқлайди.

Услуб ижодкор учун қиёфа бўлиб, услубсизлик қиёфасизлик, демакдир. Адабиётшуносликда ҳам ҳар бир чин олимнинг ўзига хос услуби мавжуд. Матёқуб домланинг услубидаги етакчи жиҳат — ҳар қандай илмий хулосанинг асар матнидан келтириб чиқарилишидан иборат. Олим: «...адабиётда битта қонун бор: ҳар бир воқеанинг шу хилда рўй беришига китобхон заррача шубҳаланмаслиги керак. ...Бадиий асарда ҳар бир шахс айта оладиган гапини айтса, қила оладиган ишини қилса яхши», — деб ёзади. Қўшжонов домла тадқиқ этмоқчи бўлган асарни шундай ўрганадики, «...асл маънога нисбатан ҳар бир сўз, ҳар бир жумла, ҳар бир тиниш белгисининг ўрни қай даражада эканини англайдиган» даражага етади. Домла бадиий асарга тепадан туриб қарамайди, унга авайлаб муносабатда бўлади. Матнни қайта-қайта ўқиш асносида ундаги энг яширин маъноларни, нозик ишораларни, тиниш белгилари бажариши лозим бўлган вазифаларни бехато пайқайдиган даражага етади. Шунинг учун ҳам олим А. Қаҳҳор ҳикоялари, «Ўтган кунлар», «Қутлуғ қон» романлари ҳақида гапирганида бадиий вазифа юкланган бирорта детални эстетик таҳлилдан ташқарида қолдирмайди. Бадиий асардан чиқариб олинадиган ғояни эмас, балки жонли одамни қидиргани учун ҳам олимнинг асарлари қизиқиб ўқилади, кишига ахборот эмас, маънавий озиқ ҳам беради.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, олим барча ижодкорларга бирдек талабчан. У ижодига эстетик эталон деб қарайдиган адибларнинг асарларида учраб турадиган нуқсонлар ҳақида ҳам мантиқий ва далилланган фикр айта олади. Олимнинг: «Бизнинг назаримизда, «Меҳробдан чаён» ўзининг баъзи-бир томонлари билан «Ўтган кунлар»га нисбатан бир қадам олға кетиш бўлса ҳам, масаланинг ҳал қилиниши жиҳатидан олға силжиш деб бўлмайди. Назаримизда, Абдулла Қодирий бу романида ўз талант йўналишидан бир оз чекинган. ...Романда конфликтнинг енгил ҳал бўлиши унинг таъсир кучини ҳам заифлаштирган. Инсоний хислатларга эга бўлган Мирза Анвар ва Раъно бошига тушган кулфатлар «Ўтган кунлар»дагидек, реаллигича ...якунланганда, романнинг таъсир кучи ва эстетик қиммати, реалистик оҳанги ҳам бақувват бўлар эди», — деган фикри илмий холисликнинг намунаси бўла олади.

Академик Қўшжонов, асосан, насрий асарлар юзасидан тадқиқот олиб борган. Тўғри, унинг ижодида шеърий асарлар таҳлилига бағишланган ишлар ҳам бор. Лекин домланинг адабиётшунос сифатидаги салмоқли тадқиқотлари наср ривожи муаммоларига бағишланган. Олим ўзбек насрининг кўзга ташланмаган жиҳатларини тадқиқ этишга эътибор қаратади: «...прозада вазнга риоя қилиш ва вазнни сезиб олиш поэзиядагига нисбатан анча қийиндир. Прозада поэзиядагидек вазнни белгиловчи аниқ ва очиқ омиллар йўқ. Унда вазн асарнинг ички тўқимасида, мазмун моҳиятида яширинган бўлади. Мана шу мазмунда яширинган вазнга риоя қилган ёзувчигина ҳақиқий бадиий асар ярата олади», — деб ёзади «Ҳаёт ва бадиият» мақоласида. Олим ўзбек насрини ана шу мезонларга мувофиқ текширгани учун ҳам унинг битганлари ҳануз аҳамиятини йўқотмай келаётир.

Шуниси диққатга сазоворки, ўзбек адабиётшуносларининг оқсоқоли бўлмиш Матёқуб ака бугунги адабий жараёнда кечаётган энг сўнгги ўзгаришларни ҳам синчиклаб кузатиб боради. Ҳолбуки, бутун миллат дунёқарашида эврилиш содир бўлган, адабиётшунослик кеча таянган принциплардан воз кечиб, янгича фалсафий асосларга суяна бошлаган ҳозирги кунларда адабий жараённи англаш, ундаги етакчи йўналишларни тайин этиш, бирор асар ҳақида фикр билдириш ҳатто ёш адабиётшунослар учун ҳам анча оғир бўлмоқда...

* * *

Матёқуб домланинг ҳаётини бир қадар ўрганган одам у кишининг вақтдан кечикиброқ яшаганлигига гувоҳ бўлади. Домланинг ёшлиги ўтган замонларда, одатда, жуда шошиб, вақтдан ўзиб яшаганлар. У маҳаллар кимнингдир ўн беш ёшида раҳбар, йигирмага етиб-етмай арбоб бўлиши ҳеч кимни ажаблантирмасди. Аммо Матёқуб ака, бошқалардан фарқли ўлароқ, Вақтга, воқеаларнинг табиий ривожига зуғум қилмади. Ўқимишли одамларнинг боласи бўлишига қарамай 7-8 ёшларида эски мактабга, 9-10 ёшларида шўро мактабига борди. Домланинг ўзи ёзади: «1938 йилда (бу пайтда домла йигирма ёшдан ошганди — **Қ. Й.**) тўлиқсиз ўрта мактабни ҳам охирига етказмасдан, Чоржўй шаҳридаги ўзбек билим юртига ўқишга кирдим... Билим юртини ҳам тўла тугатмасдан, 1940 йили Тошкентдаги Туркманистон томонидан очилган ўқитувчилар тайёрлаш институтига қабул қилиндим... Белгиланган 800 сўмни тўлаш имкониятим бўлмаганидан ўқишни Самарқанд ўқитувчилар институтининг сиртқи бўлимига ўтказиб, юртимга қайтдим. 1946 йили уруш тугагач, жангдан қайтиб, филология факултетига ўқишга кирдим... 1956 йилдан матбуот саҳифаларида кўрина бошладим». Салкам қирқ ёшида илк мақолаларини ёзган. Қўшжоновнинг номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳам у киши шахс сифатида тўлиқ шаклланиб, қатъий эътиқодга эга бўлгандан кейин ёқланган. Ҳар ёмоннинг бир яхшиси бор деганларидек, эҳтимол, устознинг битганлари эскирмаётганлиги сабаби ҳам у кишининг шошмай ижод қилишидадир.

Домла ўзларининг саксон беш йиллик умрлари мобайнида элликдан ортиқ алоҳида китоблар, беш юздан ортиқ мақолалар эълон қилган. Ўнлаб шогирдлар тайёрлаган, минглаб мухлислар, ўқувчилар орттирган. Қутлуғ саксон беш ёшида йигитлардек ижод қилишдан, илмий изланишлардан тўхтамаган домлага: «Одатингизга кўра, кексаликка ҳам кечикиброқ, шошилмай бораверинг», — деб тилак билдиргимиз келади.

**Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ**

# БЕФАРҚ ҚАРОЛМАЙМАН

Бундан бир неча йил бурун Шукур Холмирзаев "Адабиёт ўладими" деган долзарб саволни ўртага ташлаганда, бу мунозара узоқ давом этади, катта ёзувчи, танқидчилар ҳам бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини дангал айтадилар, деб умид қилган эдим. Назаримда, кўпгина муаммолар айтилмай қолди. Севимли газетамиз, шуни ҳисобга олиб, мунозарани давом эттирса, тузук бўларди.

Кузатишимча, биз қалам аҳли ТВ ва компютер билан рақобатда анчагина имкониятларимизни бой бериб қўйдик. Қолганини ҳам қўлдан чиқармаслик учун эса бақамтироқ гаплашиб олишимиз даркорга ўхшайди.

Ўзим ўтказган, таъбир жоиз бўлса, кичик бир тадқиқот натижаларига кўра, ҳозир китобни қоровуллар, беморлар, ёлғиз одамлар, асаларичилар, геологлар, хуллас, ТВ кўриш, компютерда ишлаш имконияти чекланган кишилар ўқишаётган экан. Зиёлиларнинг катта қисми, шу жумладан, айрим ёзувчилар ҳам бадиий асар мутолаасидан анчайин узоқлашиб қолишган кўринади.

Шундай ҳол сизга бегона эмасдир: не-не машаққатлар ила китоб ёзиб, тағин анча ташвишлар ила нашр эттириб, энг аввал қаламкаш дўстингизга тавозеларга йўғрилган дастхат ёзиб тақдим этасиз ва маълум муддат ўтгач ундан илиқ гап кутасиз. Аммо, кўп ҳолларда, дўстингиз дастхатдан нарисини ўқимаган бўлиб чиқади. Сиз зоҳиран чеккан уқубатларингиз учун надомат чекасиз. Лекин мушоҳада қилиб кўринг: ўзингиз ҳам худди шундай йўл тутган пайтлар бўлгандир. Зеро, ҳаммамиз ҳам аввал ўзимизга боқишимиз керак-да!

Адабиёт гулшанини бунёд этиш учун не-не алломалар, авлодлар ўз куч-қувватлари, умрларини бахшида этганлар. Ашраф боболаримиз — жадидлар адабиётимизнинг қон томирларига янги қувват ато этдилар: улар насримиз, драматургиямиз, публицистикамизга асос солдилар. Олижаноб хизматлари эвазига қамоқхоналарга ташланган бу музаффар боболаримиздан табаррук қаламни қабул қилиб олган Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор сингари устозларимиз анъаналарга содиқ қолиб, адабиётимизни янада баландроқ шоҳсупаларга кўтардилар.

Хўш, бу муқаддас меросни келажак авлодга қай аҳволда топширамиз?

Сиз телевизорда айрим хўжалик раҳбарларини бот-бот кўриб турасиз. Улар гоҳида қўлда ҳужжат билан маҳсулот ишлаб чиқариш фалон тоннага ошганлигини гапирадилар. Мақтанганнинг уйига бор, деганларидай, ўша хўжаликларда ҳақиқий аҳвол қандайлиги кўпчиликка аён-ку.

Адабий ҳаётимиз ҳақида гапирадиган бўлсак, тўғри, китоблар чоп этилаяпти, тақдимотлар ўтказилаяпти. Аммо кўнглимиз нимадандир тўлмаётганини айтиш жоиз.

Зотан, қалам аҳли азалда ҳам ўз замонасидан тўла-тўкис қониқмай яшагани маълум. Зеро, қониқиб қолиш ҳар қандай замонда ҳам турғунликка олиб келгани сир эмас.

Назаримда, биз китобхонларни адабиётга, китоб мутолаасига қайтариш ҳақида бош қотиришимиз керакка ўхшайди. Бу борада йўл қўйган қусурларимизни бўйнимизга олишимиз лозим. Китоб дўконлари қаторасига хусусийлаштирилиб, озиқ-овқат, кийим-кечак ва ҳоказолар билан тўлдирилганда томошабин бўлиб қолмадикми? Мантиқан мушоҳада юритганда, ижодкорни китоблари боқади-ку! Нега нонимизни олдириб қўйдик? Ўтган йили ҳукуматнинг ана шу дўкон ва кутубхоналарни тағин аслига қайтариш ҳақида қарори эълон қилинди. Бу — омад бизга кўлини чўзди, деган гап эди. Аммо ана шу қарор қандай бажарилаётгани билан жиддий қизиқмаганимиз — жойлардаги мутасаддилардан унинг бажарилишини талаб этмаётганимиз афсусланарли эмасми? Қани зиёлилар, маънавият ва маърифат жонкуярларидаги ҳамжиҳатлик, курашчанлик?!

Ҳозир кўпгина вилоят ва туманларда спортни ривожлантиришга эътибор ошди: янги-янги стадионлар, спорт иншоотлари бунёд этилмоқда. Ана шу харажатлар беҳуда кетмаётганига ҳам гувоҳ бўлаяпмиз: соғлом, баркамол авлод шаклланмоқда, республика ва жаҳон микёсида чемпионлар етишиб чиқмоқда. Адабиёт ҳам бугун вилоятлардаги тегишли ташкилотлар томонидан ана шундай мададга, қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлиб қолди. Нашриётлар харажатларини андак қоплаш, қалам аҳлини моддий манфаатдор қилиш зарур. Зеро, истеъдодли шоир ёки ёзувчи Ватан байроғини ҳар қандай чемпиондан ҳам юксакроққа кўтаришга, ҳар жиҳатдан баркамол авлодларни камол топтиришга қодирдир!

Юқорида мен спорт иншоотлари кўплаб қурилаётганидан мамнунлигимни таъкидладим. Шунингдек, жойларда кўплаб дўконлар, бозорлар, ресторанлар ҳам қад кўтараяпти. Аммо китоб дўконлари, кутубхоналар бунёд этилаётгани ҳақида камдан-кам эшитасиз ва бу ачинарли ҳолдир.

Очиғини айтганда, бугунги китобхонни ҳайратга солиш тобора қийинлашиб бораяпти. Ўн беш-йигирма йил муқаддам шов-шувларга сабаб бўлган асар қайта чоп этилганда, бугунги авлодга анчайин жўн нарса бўлиб туюлаётгандай. Бу — уларнинг савияси ошиб кетганиданми ёки андак пасайганиданми — айтишим қийин. Олди-қочди гапларни валдирайдиган вайсақи қизиқчи ёки алмойи-алжойи қўшиқ айтадиган айрим қўшиқчи келиб қолса, стадионни тўлдиришади, аммо ўша томошага сарфлашган пулга китоб сотиб олишга бўйинлари ёр бермайди.

Нега бундайлигини ўзим ҳам тушунмайман: ўқувчи бошқа бир китобни излайди, танқидчи ўзга бир асарни мақтайди ва учинчи бир китоб мукофотга сазовор бўлади. Назаримда, бугунги адабий танқид ўзгача иш тутиши зарурга ўхшайди. Билишимча, ҳар бир қаламкаш қандай асар ёзганини қалбан танқидчи ёки ўқувчидан теранроқ ҳис этади. Тўғри, у ўз асарига баландроқ баҳо беришга мойил ҳам бўлади, аммо шунга қарамай, адабий танқид билан шоир ва ёзувчиларнинг ўзлари ҳам астойдилроқ шуғуллансалар, айни муддао бўларди.

Тағин шуки, талай вилоятларда бир пайтлар "эгарда юрган" амалдорлар орасида ўзларини ёзувчиликка урганлар ҳам бор, улар, асосан, хотиралардан иборат қораламаларини роман, қисса, деб чоп эттирмоқдалар. Уларнинг китоб чиқариш, сотиш имкониятлари истеъдод эгасиникидан анча баланд. Тўғри, графоманлик Алишер Навоий, Лев Толстой замонларида ҳам бўлган, аммо улар қудратли адабиёт соясида кўзга чалинмаган. Бугунги шароитда юқоридагидай собиқ амалдор шоирликка, ёзувчиликка даъвогарнинг кўпайиши бор китобхондан ҳам ажралиб қолишимизга сабаб бўлиши ҳеч гап эмас.

Ана шундай "ёзувчилар"нинг китоблари ҳақида сўз кетганда, адабий танқид: "Бундай асарлар танқиддан тубан туради", деган гапни иддао қилиб, осонгина қутулиб кетаверади.

Адабиёт нафақага чиққандан кейин шуғулланадиган иш эмас, у қалам соҳибидан ёшлик жасоратини талаб қилади. Шу фикримни давом эттириб, тағин бир мулоҳазани ўртага ташламоқчиман. Назаримда, бугун ёзувчи ҳам ўз вақтида маълум маънода нафақага чиқиши, газетачилар тили билан айтганда, кексалик гаштини суриши, бироз китобхонга ҳам айланиши керакдай. Эътибор берганмисиз: "Ўтган кунлар", "Навоий", "Шум бола", "Опа-сингиллар" сингари адабиётимиз дурдоналари бўлиб қолган асарлар дунёга келганида, уларнинг муаллифлари 25-30 ёшларда эдилар. Тўғри, Шайх Саъдий, Лев Толстой сингари қарийб бир аср умр кўрган ижодкорлар ҳам бор, аммо "Гулистон"ни ёзганда ёки "Уруш ва тинчлик"ка сўнгги нуқта қўйилганда улар қирқ ёшдан ошмагандилар ҳамда шундан сўнг бу даражага етадиган чўнг асарлар битишолмади.

Эркин Воҳидов адабиёт билан шахматни таққослаганини эсланг. Зеро, 60-70 ёшга кириб жаҳон чемпиони бўлган кишини эслолмаймиз, улар айнан 25-30 ёшларда бу тожни қўлга киритадилар ва кўп ўтмай, албатта, ўзларидан ёшроқ гроссмейстерга бой бериб қўядилар. Билмадим, ҳар ҳолда мен 70-80 ёшга кириб, адабиётда шов-шув бўладиган асар ёзган ижодкорни учратмадим. Бу ёшда катта жанрларга қўл ургандан кўра мақолалар ёзиш, учрашувлар ўтказиш, мураббийлик қилиш завқлироқдай.

Йўқ, бугунги адабий жараённи қониқарсиз дейишга ҳаққим йўқ. Ўзим Озод Шарифиддинов публицистикасини, Абдулла Орипов, Сирожиддин Саййид, Фарида Афрўз шеърларини, Тоҳир Малик романларини, Машраб Бобоев телесериалларини, Нормурод Норқобилов ҳикояларини, Жамол Камол, Асқар Маҳкам таржималарини, Турсуной Содиқованинг радиодаги чиқишларини жуда қадрлайман.

Мен ўзимни ёзувчи деб эмас, журналист, деб ҳисоблайман. Илтимос, буни ясама камтарликка йўйманг. Юқорида таъкидлаганимдек, ёзувчининг шоҳсупаси жуда баланд. Ёзувчи деганда Робиндранат Тагор, Лев Толстой, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Чингиз Айтматов ва республикамизда ижод қилган ва қилаётган, бармоқ билан санарли кишиларнигина кўз ўнгимга келтираман, холос. Лекин мен, аввало, китобхонман ва адабий меросимиз тақдирига бефарқ қаролмайман.

**Нусрат РАҲМАТ**

*Самарқанд*



Низомий ГАНЖАВИЙнинг "Хамса"сига ишланган миниатюралар.

### АДАБИЙ ЎЙЛАР

# КЎНГИЛ ТАРЖИМАСИ

Одамзодни хаёл суришга нима ундайди? — Балки тасвир орқали англаш воситаси ўз моҳиятини йўқотгач — СЎЗ зарурияти ўзлаштирилгандир. Сўз сезги хусусиятлари ичидаги энг кенжа мўъжиза. Сўз пайдо бўлгач, инсон хаёлини таржима қила бошлади.

Тафаккур гўзал бир асар, бироқ уни сўзга кўчириш инсондан қора меҳнатни талаб қилади. Пировардида хаёл суриш унутила бошлади. Баъзан шундай бир воқеа содир бўлса, ифода қилишга Сўз ожизлик қилади, дейишади. Томошабиннинг ибтидоий туйғуларига таъсир қилган ҳодиса ҳикоя қилиб берилгач, бир неча фоиз ўз кучини йўқотган бўлади. Фақат санъаткорларгина биз ўзимиз кўрган, воқеаларни ўзимиз истаган даражада ифода қилиб, ёдимизга сола олади. Асарни ўқиб: "Ҳа, бу ўша-ку!", "Менда ҳам худди шундай ҳолат бўлган-ку", деймиз. Демак, ёзувчи жуда содда, самимий йўсинда ўқувчига воқеликни танитди. Бу нарсани ИСТЕЪДОД дейдилар. Хаёл — тафаккур қилиш қобилияти ҳаммада мавжуд, бироқ уни ишончли тарзда ифодалаб бериш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Янги асар доим ўзи билан янги иккиланиш ва тортишувларни олиб келган. Ҳеч бир бадиий асар "мана сизга, марҳамат, энг зўр роман" ёрлиғи билан китобхонларга етиб келмаган. Келинг, зўр китоблар бизга нимаси билан ёқишини эслаб кўрайлик. Биринчидан, улардаги образлар талқини — бадиий ҳақиқат — ҳаёт ҳақиқатига мос — руҳга яқин бўлади. Иккинчидан, содир бўлаётган воқеа сизга танишдай. Эсласангиз китобдаги одамлар кўз олдингизда намоён бўлади.

Буюк санъаткорлар СЎЗни осон ифодалаш учун муттасил меҳнат қилишган. Аммо одамзодга ўзининг гапини айтиш учун ёлғон аралаштириш кимга насиб қилган экан. Марк Твеннинг бир асари ҳақида гапириб, фалон жойидан фалон жойигача ишонинг, қолганига ишонманг, деб айтган. Хемингуэйнинг ўзи, "Чол ва денгиз"да бизни қанча "аллади". Сантяго чол... қўллари акашак бўлиб қолсаям, ўлжани қўйиб юбормади... Омадсиз балиқчининг қиёфасида миллионлаб инсонларнинг орзуси ифода топган эди.

Бир куни бир танишим менга Достоевский асарлари ёқмай қолди, деди. Унинг қаҳрамонлари касал, мажруҳ. Асарларидаги чинқириқлар жонимдан ўтиб кетди, деди. Ёзувчи касал одамларни тасвирлаганда, ёнида "соғлар" ҳам бор эди-ку, уларнинг хатти-ҳаракатларини кузатдингми, дедим мен. Танишим фикримга қўшилмади. Достоевскийни қатлга олиб боришганини, бошига қоп кийгизишганини, отишларига сал қолиб, кейин ҳукм бекор қилинганини гапириб, ёзувчининг касал бўлиб қолганини асарлари мисолида таъкидлай бошлайди. Тўғри, кўпчиликни ёзувчининг қисмати қизиқтиради. Фавқулодда воқеалар ҳамманинг ҳам дидига мос тушавермайди. Санъаткор қайси воқеани тасвирламасин унда инсон қисмати асосий мавзуни ташкил қилади.

Ҳозирги кунда қайси китобни яхши кўришингни айтишдан қўрқасан, дарров "хос китобсеварлар" топилиб, тескарисини гапиришади. Адабий муҳит, албатта, тортишувлар билан жонланади. Фалончининг шеъри ёқмади, фалончининг ҳикояси... деган билан иш битмайди. Адабий муҳитнинг қайнаб туришида фақат адабиётшуносларнинг эмас, китобхонларнинг ҳам фикрлари муҳим ҳисобланади. Одамларнинг дидини кўраётган киноларидан, ўқиётган газеталаридан ва албатта, китобларидан билиб олса бўлади. Кимдир ўзини бир нарсани ўқиётгандай қилиб кўрсатади ва бошқа бировнинг ўша китоб — асар ҳақидаги фикрига билиб-билмай қўшилади. Ўзининг шахсий фикрини билдирмайди. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг ўтган сонларида адабиётшунос Умарали Норматов билан газета мухбирининг "Энг муҳим муаммо" номли суҳбати босилган эди. Унда ўзбек адабиётида кейинги йилларда рўй берган янгиликлар ҳақида дангал фикр юритилиб, ўзига хос ШАХС муаммоси ҳам айтиб ўтилган. Умуман олганда, адабиётшунослар озми-кўпми фаолият кўрсатиб келяптилар. Китобхонларнинг фикрлари эса тақчиллигича қолмоқда.

Янги авлод руҳида ёзилган мақолалар кўринмаяпти. Аксарият ёшлар ноёб гапларни топиб юришни яхши кўришади, ёзишга келганда эса жим бўлиб қолишади.

Юқорида айтганимдек, яхши кўрган китобинг ҳақида гапиргинг келади, бироқ ўзига хос даврани топа олмайсан. Бир хиллари бачканалашса, бир хил давраларда сукут сақлаб қутулиб қўяқолишади. Агар фикрлаш нималигини одамзод англамаганида эди, бу ҳолатни тушунса бўларди.

Кўнгилни таржима қилиш доим қора меҳнатни талаб қилади. Инсон баъзан яхши иш қилмай кимнингдир мардикорига айланади. Кейин эса ўзидан нафратланиб, афсусланиб, севган ишига отланади. Холислик эса ҳеч ким тушунмайдиган СЎЗга ўхшаб, барчани ҳайрон қилиб, мавҳумлигича қолаверади.

**Даврон РАЖАБ**



ШОИРЛАР ГУРУНГИ: Тўра СУЛАЙМОН ва Ўткир РАҲМАТ.

*Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.*

# АДАБИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК

Бишкекда Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси томонидан амалга ошириб келинаётган тадбирлар доирасида учрашув бўлди. Мазкур ассамблея раҳбари, таниқли ёзувчи Чингиз Айтматов иштирокида ўтган тадбирда бундан саккиз йил муқаддам Тошкентда хайрли ташаббус сифатида иш бошлаган ушбу жамоатчилик ҳаракати тўрт мамлакат фан ва маданият арбоблари томонидан ўтказган учрашувлар, юбилейлар, концертлар, шеърият кечалари ва бошқа турли адабий тадбирларнинг аҳамияти тилга олиниб, қардош халқлар маданият ва адабиёт намояндалари ўртасидаги алоқаларни янада фаоллаштириш хусусида фикр юритилди.

Қирғизистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Нодирбек Олимбеков ва бошқа қирғиз адиблари билан ижодий гурунг тарзида ўтган мазкур учрашувда Ассамблеянинг биринчи вице-президенти Одил Ёқубов ва "Марказий Осиё маданияти" газетаси бош муҳаррири Анвар Жўрабоев қатнашди. Одил Ёқубов таниқли ўзбек шоирлари ва ёзувчилари — Абдулла Орипов, Пиримқул Қодиров, Озод Шарафиддинов, Шукрулло, Шукур Холмирзаевларнинг бугунги ижоди, Омон Мухтор, Эркин Аъзам, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Азим Суюн ва бошқаларнинг ижодий изланишлари ҳақида сўзлаб берди. Нодирбек Олимбеков замонавий қирғиз адабиётининг илғор вакиллари ижоди билан таништирди.

ФАХРИЁР

# СУЙГИ НЕ ДЕГАНИ КЎНГИЛ ОЛДИДА...



## СЕНСИЗЛИК

1. Лаҳзада севгимиз қариди,
Сочларини бўяр унинг тун.
Не ғамки, висолинг ариди,
Дафъатан, мен севилмаган кун.

Кетар жафосининг изнини
Гул бўлиб баҳордан сўрмадинг.
Билмон, мен туғилган кузнини
Қолмоғингга раво кўрмадинг?

Куз ҳам ўтар севгинг мисоли
Сувда оқаётган хазондай
Муҳаббатим юзингга солиб.

Сен ўзингта олмайсан уни,
Олмаслигинг ўтмоқда жондан,
Қолмасингта қолмоқда куним.

2. Бахтиммиди сочларинг — қаро,
Ўпган, суйган, суртган кўзимга?
Сочларинг — бир сим-сиёҳ шарор,
Бахтимизни куйдирар зимдан.

Суйган ўзим, куйган ҳам ўзим
Ишқ аталган аламзорларда.
Сенга етмай тентирар сўзим
Шеър унмаган қаламзорларда.



Видо фасли — айни намозгар
Кун қон қусар волаларимдан,
Муҳаббатим ақлдан озган.

Не қиларин билмайин турар —
Сенга йўл қараган саримдан
Шафақларга ўзини урар.

3. Шамол бўлиб кўйлакларингдан
Тортқилади нигоҳлар бўзлаб.
Кетма, деди, тутди барингдан,
Сочларингда адашди сўзлар.

Не сўз эди, қорайди туйқус,
Сочларингта қўшилиб куйди.
Не қисматки, сўз ва соч уйқаш,
Не бахт, мени ҳижронинг суйди?

Кетма, дедим, кетавердинг сен,
Бу кўнгил эргашди ортингдан.
Юрак кетди, қолавердим мен

Армондай шип-шийдам, чамаси.
Мендан қадамларинг тортилган,
Менда энди ҳеч ким яшамас.



4. Умидларнинг кулини сепдим
Мен бошимга, оқарар сочим.
Қолавердим, қаёнлар кетдинг,
Сен мендаги ўзингдан қочиб?

Ҳижронам, баҳорлар қайтади,
Изларингни чечаклар кўмар.
Ғаминг илинжларни ҳайдади,
Соғинчларни кетди ўмариб.

Ёдинг билан яшамоқ оғир,
Яшамаслик оғир ундан ҳам,
"Кезмоққа боғ, ботмоққа тоғнинг —

Йўқлиги" сен бўлдинг. Сенсизлик —
Менинг касбим, менинг вазифам.
Муҳаббат — армонли тенгсизлик.

5. Кўнгилда айролиқ мавсуми,
Видо туйғулари сондирар.
Сўнаётган шаъм каби умид
Юрагимни оғир ёндирар.

Парпирайди умиднинг шаъми ,
Дўниб борар умидсизликка.
Сен кетган йўлларга — бир ками —
Қорлар ёғар. Қор — изликкина.

Изларингни кўмар қирмиз қор,
Яралари битмас хотирнинг —
Тугамайди бу ситам, бу зор.



Дунё тугар, ҳижрон йитмайди,
Ниҳояси йўқ асотирнинг:
Куйгунг келар, куйгунг кетмайди.

6. Кўнгилда умидлар исёни
Ҳажринг дарвозасин тепади.
Армон умидларнинг қонига
Висолинг хокини сепади.

Юрак — умидларнинг мозори,
Уни ҳеч ким зиёрат этмас.
Дилдан унутилмоқ озори
Муҳаббатинг мисоли кетмас.

Сен эсанг, сен кела олмассан,
Дилдан кета олмаганингдай —
Ёдимни ёдингга солмассан...

Тушларимга умид ҳамласи
Бирдай, ўндай, юздай ва мингдай,
Битта васл бўлмас жамласанг.

7. Бу ҳаёт тушмидир, ўнгмидир,
Қай биридан кетдинг, паризод?
Сени тополмасман қидириб,
Теварагим гарчи паризор.

Дунёмиди, сенмидинг рўё,
Йўл бормиди сенга элтгали?
Билмадим, не бўлмоқда рўёб,
Билмам, ненинг келмоқда гали:

Жудоликми тонг каби отар?
Сенсизликми — бешумор ситам,
Ҳажринг бўлиб кўксимга ботар?

Галлар келар, кетади галлар?
Минг куйин, минг иста-истама,
Имкондан хориждир амаллар.

ДОИМИЙ ҲАМРОҲ



Ёш тадқиқотчи Рашид Жумаевнинг "Янги аср авлоди" нашриёти томонидан чоп этилган рисоласи улуғ шоир ва мутафаккир Мавлоно Жалолиддин Румий (1207 — 1273)нинг ҳаёти, ижоди ва ўзбек адабиётига, айниқса, ҳазрат Алишер Навоий ижодига таъсири масалаларига бағишланган. Мавлононинг ҳаёт саҳифаларини ёритар экан, муаллиф Румий ва Шамс Табризий орасидаги муносабатлар, унинг Румий ҳаёти ва маънавий камолотида тутган ўрнига ҳам алоҳида тўхталади. Баъзи манбаларда Шамснинг ота-боболари асли фарғоналик экани айтилган. Шу билан боғлиқ маълумотларни қайд этар экан, Р.Жумаев Шамс дунёқарашининг илдизлари Мовароуннаҳр фалсафий-тасаввуфий тафаккур анъанаси билан боғлиқ эмасмикан, деган қарашни илгари суради. Бу эса Румийнинг тафаккур оламини англашда жуда муҳимдир.

Рисоланинг сўнгги қисми "Маснавийи маънавий"даги ҳикоятларнинг Алишер Навоий "Лисон ут-тайр"и ҳикоятларига таъсири таҳлилига бағишланган. Гарчанд "Лисон ут-тайр" Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр"ига жавобан яратилган бўлса-да, ундаги баъзи ҳикоятларнинг "Мантиқ"дан кўра "Маснавий" ҳикоятларига яқин келиши билан боғлиқ кузатишлар аҳамиятлидир.

Рисолага филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул муҳаррирлик қилган ва сўзбоши ёзган.

ҲИКОЯ

Меҳринисо ҚУРБОНОВА

# МУҲАББАТ ДОРИСИ



Дорихонага ўттиз ёшни қоралаган, барваста, юз-кўзларида, очиқроғи, бутун авзойида карахтлик, уйқусизлик аломатлари яққол сезилиб турган бир йигит кириб келди.

— Хўш, хизмат? — деди дори сотувчи аёл.

— Илтимосимни рад этманг. Менга оёғимни тинчгина узатиб ўлишим учун бирон дори берсангиз. Қийналмасдан жон берай...

— Сиз мабодо жиннихонадан қочмаганмисиз?

— Йўғ-е, Худо асрасин. Қайси дорихонага кирсам, шу саволни беришаяпти.

— Илтимос, дорихонадан чиқинг, — деди аёл бошига қаттиқ оғриқ кирганини ҳис қилиб. — Сўнг навбатдаги мижозга юзланди. — Мана, онахон, сизга ошқозон дориси. Кунига уч маҳал ичасиз. Қайтимини олинг. Арзимайди. Хайр! Чиқинг, деяпман. Сиз билан валақлашиб ўтиришга сира тоқатим йўқ.

— Сизга ҳеч қандай зарарим тегмайди. Оламан-у, кўздан ғойиб бўламан.

— Қайси аҳмоқ сизга бизнинг дорихонада одам ўлдирадиган заҳри қотил бор, деб айтди?

— Йўғ-е, нималар деяпсиз, синглим. Ҳеч ким, ҳеч қачон бундай демаган. Илтимос, қулоқ солинг. Сизларда қандайдир... ҳм, шунақа дори топилмайдими?.. Бир замонлар табибларда бўлган-ку, масалан, Зайнаб Кумушбибининг овқатига заҳар қўшиб ичирган, дейишади. Ичасан-да, дарҳол барча замзамалардан қутуласан...

— Эссиз?!

— Ҳа?

— Қодирийни ўқиган одам ҳаётнинг арзимас ташвишларига чидаш бера олмай, ўлим чорасини излаб юрса? Ҳаҳ, эссиз одам-а... Отахон, мана, сизга бош оғриғи дориси. Кунига уч маҳал ичасиз. Хайр!

— Хўп, мен кетдим. Сиздан бирон ёруғлик чиқмас экан.

— Ҳой, шошманг, наҳотки ўлим дорисини топишингиздан ёруғлик чиқса? Ўлимнинг бошқа чораси йўқми? Ўзини ўлдирадиган одам ҳеч қачон дори излаб, шаҳар кезмайди. Сизга ўлим йўқ! Ўлим сиздан қочаяпти! Сиз ўлимга керак бўлганингизда, аллақачон ўзи келиб, олиб кетар эди...

— Балосиз! Сизга очиғини айтақолай, баъзан шундай бўлиб қолади, ҳеч қаерга сиғмайман. Ҳеч кимсани кўргим келмайди. Кейин... Мана шундай дорихоналарни излаб, дори ахтараман. Кимдир кулади, кимдир ачинади, яна бирови кўнглимни кўтаради.

— Сиз енгилтак, такасалтанг одамсиз!

— Раҳмат!

— Сиз қўрқоқсиз!

— Яшанг, беш кетдим!

— Сиз бахтсиз одамсиз!

— Кечирасиз...

— Чиқинг бу ердан! — деди аёлнинг фиғони фалакка кўтарилиб. — Сиз билан валақлашишдан бошқа ишим йўқми?

Йигит аёлга бир зум сассизгина термулиб турди-да, сўнг эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди. Аёл мижозни хафа қилиб қўйгани учун ўзидан ранжиди ва жойига ўтираётиб, дорилар солинган қути устида қора чарм қопланган эркаклар сумкасини кўрди. Бояги йигит унутиб қолдирган. Ҳа, ана ўзи келаяпти! У, ойнаванд деразадан ўнг-сўлига қарамай, дорихона томонга шошиб еларди. Шу чоғ аёлнинг хаёлига ногаҳон бир фикр келди-ю, уни таваккалига амалга ошириш мумкинми-йўқлиги, ҳақида ўйлади.

— Мана, сумкангиз, — деди аёл. — Унутиб қолдирибсиз. Кечирасиз-у, сиз бир аёлни бахтли қилишга қодир, келишган эркаксиз. Лекин ўлим дорисини ахтариб юрганингиз сира ақлга тўғри келмаяпти.

— Йўқ, мен уни бахтли қила олмадим, — деди йигит афсус билан бош чайқаб. — Хотинимни айтаяпман. У билан уч ой ҳам яшамадим. У: "Сиз билан умримни ўтказсам, жинни бўлиб қоламан", — деди.

— Нега?

— Мен афғон уруши қатнашчисиман. Урушда кўплаб одамни ўлдиришга тўғри келди. Уруш олиб қолганида... йўқ, у мен билан бирга қайтди. Вафодор хотиндек ҳар куни бағримга бошини қўйиб ётади, тушларимга киради, кечалари уйқу йўқ. Дори излаб, тунлари шаҳар кезаман. Бу дори ҳеч қаерда йўқ. Ўша ёқларда ўлиб кетганим яхши эди, лекин ўлим ҳам мендан қочди. Менга отилган ўқлар бошқаларга тегди, менга қазилган чоҳларга ўзгалар йиқилди. Шўрлик онам менинг доғимда ўлди, отам тўшакда касал, суйган хотиним ташлаб кетди. Кетганида ҳам барча айбни ўз бўйнига олиб кетди. Кўр бўлиб, чўлоқ бўлиб қайтганимда ҳам чидаб яшар эди. Лекин ўлим дорисини излаб юришимга сира тоқат қилолмади.

Аёл дорилар қўйилган узун устолни айланиб ўтди ва йигитга бир пиёла чой узатди. Хаёлидаги режани амалга ошириш пайти тобора яқинлашаётган эди.

— Мен сизга ёрдам беришим мумкин, — деди аёл хушмуомалалик билан. — Бизда ўлим дориси сотилмай қўйилганига кўп йиллар бўлди. Сиз ўлим дорисини излаб, беҳудага вақтингизни ўтказаяпсиз, яхши йигит. Ахир, бу ерга ҳар куни умрни узайтирадиган, қоматни сақлайдиган, ажин туширмайдиган, озиш, семиришга қарши дориларни сўраб, ўнлаб одамлар келишади. Истасангиз, мен сизга камёб бир дори топиб бераман. Бу дори ҳаётингизни бутунлай ўзгартириб юборади. Уруш сизни тарк этади, отангиз тузалади, хотинингиз бағрингизга қайтади ва бахтли ҳаёт кечира бошлайсиз.

— Ростданми? — йигитнинг кўзларига учқун инди. — Сизга ишонсам бўладими? Қандай дори экан у?

— Бу — "муҳаббат дориси", — деди аёл ишонч билан. — Сиз мени бирпас кутиб туринг, хўпми?

Аёл шошиб ичкари хонага кирди. Дорилар ҳиди гупириб турган хона ўртасида бош чангаллаб, бир зум серрайиб турди. Нима учун шу ишни қилаётганига сира ақли етмас, бировни кўркўрона ишонтиришга уринаётганидан ўзи саросимага тушаётган эди. Бироз ўзига келгач, доридан бўшаган бўш шишани олиб, совуқ сувга тўлдирди. Болаларнинг ширин ҳапдорисидан иккитасини қоғозда яхшилаб эзиб, шишага солди. "Уни фақат шу йўл билан даволаш мумкин, — деди аёл ичида. — Эй Худо ўзинг кечир, унинг дардига даво бер", — дея тавалло қилди.

— Мана, сизга ўша дори, — деди аёл йигитнинг ёнига қайтиб. — Ҳар куни уйқудан олдин ичасиз.

— Мен сизга қандай миннатдорчилик билдирсам экан? — деди йигит каловланиб. — Баҳоси неча сўм?

— Уйқудан олдин дорини ичаётганингизда, ҳамма нарсани унутинг, — деди аёл. — Кўз ўнгингизда фақат суйган аёлингиз намоён бўлади.

— Хўп, — деди йигит. — Баҳосини айтинг.

— Уруш қатнашчиларига текинга берилади, — деди аёл қатъиятлик билан. — Эсингизда бўлсин, фақат бир марта берилади.

Йигит ўжарлик қилиб: "Бепул олмайман", — деб туриб олди. Шундан сўнг аёл оғзига келган арзимас баҳони айтишга мажбур бўлди.

Бир ҳафтадан сўнг дорихона эшиги ёнида "муҳаббат дориси"ни сотиб олган йигит пайдо бўлди. Қўлида чиройли гулдаста. Йигит ҳаяжонини босишга уриниб, ичкарига кирди ва пештахта ортида унга "муҳаббат дориси"ни тақдим этган лобар аёл ўрнида юзларини ажин қоплаган, сочлари оқариб кетган кекса хотинга кўзи тушди. Аёл бошини эгиб, нимадир тикибми, ўқибми ўтирганча, лоақал йигитга разм ҳам солмади.

— Кечирасиз, онахон, бир ҳафта илгари келганимда, бир ёш аёл бор эди. У — бугун келмадими?

— Йўқ, — деди аёл бош кўтармай. — У энди келмайди.

— Бўшаб кетдими? — деди йигит астойдил куюниб. — Манзилини билмайсизми?

— Йўқ! — деди аёл яна бош кўтармай.

— Агар у келса, илтимос, манови гулдастани унга беринг. Бир ҳафта мобайнида "муҳаббат дориси"ни ичиб бўлгандан сўнг... хотинимни эмас, фақат уни ўйладим. Унга айтинг, ўзимни жуда яхши ҳис қилаяпман. Унга... уни яхши кўришимни ва излаётганимни айтинг. Айтасизми?

— Айтаман, — деди аёл титроқ овозда. — Албатта айтаман!..

# АКА-УКА ШОИРЛАР
# АШИРМАТ ВА НАЗАРМАТ

Менинг дўстим, тенгдошим Назармат 85 ёшга кирди. У ҳамон тетик, бардам. Янги шеърлар ёзиш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади. Чунончи, у Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Оқсоқоллар кенгашининг раиси сифатида тинимсиз елиб-югуриб юради, кекса ёзувчиларнинг аҳволидан доим ҳабар олиб туради, қўлидан келган ёрдамни аямайди.

Назармат ижодда ҳам фаол; янги мавзуларни, долзарб маънавий муаммоларни қаламга олади, шеърлар билан бирга янги қўшиқларга матнлар ёзади, мақолалар битади, хуллас, ижтимоий ҳаётга, ижодий жараёнларга фаол аралашади.

Назарматнинг шеър, ҳикоя ва қиссаларини "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни "Гул ва Гулхан" номи билан нашр қилди. Бу каттагина салмоқли китоб ўқувчилар томонидан қизғин кутиб олинди.

Биргина Назарматга эмас, балки кўпгина кекса ёзувчиларимизга хос бўлган бундай ижодий фаоллик истиқлолимиз шарофатидандир. Гурунгларда оқсоқолларимиздан: "Энди яшайдиган, ишлайдиган давр келди", — деган сўзларни эшитамиз. Назармат ҳаёти, ижоди бу сўзларнинг исботидир.

Хуллас, оқсоқол адибимиз тиним билмайди, ўзини ҳаёт, ижод оғушига уради, тинимсиз ўйлайди, ёзади, касбдошлари, айниқса, ёш ёзувчилар билан учрашишни, ҳаёт ва адабий жараён масалалари бўйича баҳслашишни яхши кўради.

Назарматнинг акаси Аширмат хотирасига бағишланган "Шоир йўли" сарлавҳали шеъри бор. Шеър бундай мисралар билан бошланади:

**Қалбим кўзгусида пайдо бўласан,**
**Бир қўшиқ айтишга ҳозир тургандек.**
**Индамай мен томон аста келасан,**
**Шеърхонлик бошлашга қалб буюргандек.**

**Қўлингда китобинг: "Тоғлар ва боғлар",**
**Борлигимни элга эслатсин дейсан.**
**Сўнг дейсан: "Ўзимни энди кўрмайсан",**
**Изларинг сўроқлаб юрагим йиғлар...**

Ука шоирнинг ака шоир ҳақида ёзган мунгли мисралари...

Чинакам ўктам инсон, заҳматкаш адиб, журналист ва шоир Аширмат кўпдан буён орамизда йўқ...

Хўш, Аширмат ким эди, қаерда яшаган, нима ишлар қилган?

Албатта, ҳозирги ёшлар Аширматни билишмайди, бу табиий бир ҳол. Аммо, биз адабиётимизнинг ўрта ва кекса авлод вакиллари Аширматни яхши танийимиз, унинг адабий фаолиятини ҳам, шеърий ижодини ҳам биламиз, мамнуният билан эслаймиз.

Ака-ука шоирлар асли Тожикистоннинг Нав туманидан бўлишади. Хўжанд вилояти таркибидаги бу қадимги туман Ўзбекистоннинг Бекобод шаҳри яқинида бўлиб, аҳолиси бир-бирига яқин, қариндош, ёрдўст, оға-ини бўлганлар. Биз, ўзбек ёзувчилари ҳам Навга тез-тез бориб турганмиз, чунончи Ғафур Ғулом Навнинг сўлим боғларида тожик дўстлари билан тонготар суҳбатлар қуриб, икки тилда баробар гурунглашишни жуда ёқтирган.

Хуллас, навлик ёш шоир Аширмат ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида Тожикистон пойтахти Душанбе шаҳрига келиб, "Қизил Тожикистон" рўзномасида адабиёт бўлимида ишлай бошлайди. У тез орада шеърлари, мақолалари билан жамоатчиликка танилади. Мирзо Турсунзода, Миршакар, Боқи Раҳимзода ва бошқа тожик шоирлари Аширмат ижодига қизиқиб қоладилар, уни адабий муҳитда муносиб ўрин олишига кўмаклашадилар.

Мен "Вафонинг узун йўли" номли рисоламда қатағон йилларидаги мураккаб ижодий муҳитни тасвирлар эканман, Аширмат ҳақида батафсил ёзганман. 1937-38 йилларда биз Аширмат билан "Қизил Тожикистон" таҳририятида бирга ишлаганмиз ва қатағон даври азобларини биргаликда бошдан кечирганмиз. Гапимнинг рости: Аширмат дили пок, метин иродали, халққа, Ватанга чексиз содиқ, чин инсон бўлган. У мени ҳам неча балолардан қутқаришда кўкрагини қалқондай тутиб берган.

Фашизмга қарши уруш йилларида Аширмат фронтнинг оғир жабҳаларида бўлди, бир неча марта оғир яраланди ва урушдан кейин ватанига қайтиб келиб, республика рўзномасида адабиёт бўлимини бошқарди.

Аширматнинг шеърияти, ва умуман, ижодий фаолиятига баҳо берар экан, Мирзо Турсунзоданинг: "Аширмат ўзбек ва тожик адабиётини бир-бирига боғловчи кўприкдир", — дегани айни ҳақиқатдир.



Бу фикрни Мўмин Қаноат қуйидагича тасдиқлайди:

"Бизнинг шоир дўстимиз Аширмат Назаров ўзининг эзгу хизматлари билан тожик ва ўзбек халқларининг дўстлигини мустаҳкамлашда, уларнинг адабиётлари ва маданиятларини ривожлантиришда катта хизмат қилди".

Дарҳақиқат, Аширмат турли тилларда машҳур тожик шоирлари Мирзо Турсунзода, Мирсаид Миршакар, Боқи Раҳимзода, Абдусалом Деҳотий, Муҳаммаджон Раҳимий, Муҳиддин Аминзода, Ғаффор Мирзо, Файзулла Ансорий асарларини ўзбек тилига муваффақиятли таржима қилди.

Аширматнинг "Жангчининг дафтари" номли шеърлар тўплами ва "Муқаддас бурч" драматик достони турли йилларда нашр этилган.

Уруш машаққатлари, жангоҳ азоблари Аширмат соғлиғига оғир таъсир қилиб, унинг аҳволи йилдан йилга оғирлашиб борди.

Аширмат 1964 йилда, 51 ёшида вафот этди... Ҳаёт бўлганида бугун 90 баҳорни қаршилаган бўларди. Умр ўткувчидир, ишқ, вафо мангудир, дейди алломалар. Ишқ, вафони куйлаган шоир умри ҳам боқийдир.

**Ҳамид ҒУЛОМ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

**Суратда:** Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ака-ука (чапдан) Аширмат, Назармат ва Холмат Эгамназаровлар.

АШИРМАТ

## ДАРЁ БЎЙИДА

Сиз уни топибсиз ўрмон четидан
Қонига беланган ва ҳушсиз ҳолда,
Қушлар тўпланишиб чирқирар экан
Устига эгилган азим бир тол-да.
Қизлар рўмолини ечиб берипти
Боғлабсиз саноқсиз яраларини,
Шунда у қаҳрамон ҳушга келипти
Сўрапти жанговар жўраларини.
У менинг қадрдон ҳамшаҳаримдир
Узоқ йўллар босиб келувдик шунда,
Урушнинг бошидан ҳамсафаримдир
Биз бирга бўлувдик бўрон-тўлқинда.
Уйингиз ўт олди ёв отган ўқдан,
Шу йигит ўчирди шинелин босиб,
Бомбали самолёт келганда кўкдан
Шу уриб туширди ўқларни отиб.
Қони қайнар экан жангу жадалда
Гал бермай олишди паҳлавон сифат,
Снаряд ёрилиб қумлоқ соҳилда
Йиқилди остида ўйнаб турган от.
Уни қидиришга бўлмади фурсат
Биз кетдик йироққа зафар шавқида,
Аммо кўрар эдик меҳру муҳаббат
"Салом!" деб қутлаган шу чех халқида.
Катта ғамхўрликлар учун ташаккур
Биз энди кетамиз ўз юртимизга,
Бахтиёр, озодсиз, офтоб сочар нур
Лойиқ туҳфамиз шу, хизматингизга.
Сирнинг бўйларига экканда пахта
Опава дарёсини оламиз эсга.
Гўзал Чехиянгиз гуллаган пайтда
Сайру-томошага келармиз бирга.

## ЁРГА БОҚИБ

Баланд тоғдан ўйнаб, оқиб, сой келади,
Сой устида ёрга боқиб ёр келади,
Ой нурида ошиқ бўлдим дилдоримга,
Аста бориб таклиф қилдим гулзоримга.

Дарёларнинг ул юзида тиру камон,
Келинчакнинг гулбоғида тўхтар карвон,
Карвондаги юклар шоҳи алвон экан,
Куёвимиз бир бинойи полвон экан.

Тилло узук ярашибди қўлларингта,
Ошиқ йигит гул экибди йўлларингта,
Қатор-қатор ёнар гулхан, тўй сеники,
Эшигида гуллар ўсган уй сеники.

Баланд тоғдан ўйнаб оқиб сой келади,
Сой устида ёрга боқиб ой келади,
Ой нурида ошиқ бўлдим дилдоримга,
Аста бориб таклиф қилдим гулзоримга.

* * *

Роҳатда вафони синамоқ қийин,
Азобда айрилар оқ билан қора,
Мен ўғлинг, шиддатли жангларга кирдим,
Ўлимдан қўрқишлик бегона менга.

* * *

Ўлкада яшнагач тинчлик баҳори,
Ҳикоя қиларсиз жангларни элга,
Рус, қозоқ, белорус дўстлар қатори,
Менинг ҳам номимни оларсиз тилга.

## ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА...

**"Ўзбек тили ва адабиёти"** журналининг 2003 йилги биринчи ва иккинчи сонлари нашрдан чиқди. Биринчи сон мундарижасидан ўрин олган илмий мақолалар орасида адабиётшунос олимларимиздан Иброҳим Ҳаққулнинг машҳур мутасаввиф Мансур Халлож ҳаёти, ирфоний фаолияти ва бунга улуғ шоир Алишер Навоий муносабатига бағишланган, Охунжон Сафаровнинг Бухоро фолклори ўрганилиш тарихи ва Ваҳоб Раҳмоновнинг ўзбек мумтоз поэтикасидаги қалб санъатига оид тадқиқотлари асосий салмоқ касб этади. Р.Абдусаматов, М.Зокиров, М.Ҳакимов, С.Боймирзаеваларнинг мақолалари тилшуносликнинг долзарб муаммоларига бағишланган.



"Илмий ахборот" рукнида берилган мақолалар орасида Р.Иброҳимованинг "Фантастика ва миллийлик", Г.Гарипованинг "Ҳозирги ўзбек ҳикояларида макон ва замон талқини", Й.Раҳматовнинг "Шайбонийхон" достонида тарихий факт ва бадиий тўқима, М.Йўлдошеванинг "Ҳозирги модерн шеърларда тимсол" ҳамда тилшуносликка оид илмий ахборотларни таъкидлаш мумкин.

Сиз Шайх Аҳмад Ибн Худойдод Тарозийнинг "Фунун ул-балоға" асарининг давомини, фанимиз заҳматкашлари Зокир Маъруфов, Саидфозил Акобиров, Шавкат Раҳматуллаев, Бегали Қосимов, Ғани Зикриллаев ҳақидаги дил сўзларини ҳам журналнинг биринчи сонида ўқийсиз.

"Ўзбек тили ва адабиёти" журналининг шу йилги иккинчи сонида оташнафас шоир Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан унинг серқирра ижоди таҳлилига бағишланган бир туркум мақолалар эълон қилинган. Адабиётшунослардан Бахтиёр Назаров, Эргаш Очилов, Сувон Мели, Раҳматилла Баракаев, Шерали Турдиев тадқиқотлари атоқли шоиримиз шеърияти, насри, илмий фаолияти ҳақида.

Журналнинг ушбу сонида янги "Илмий-адабий мулоқотлар" рукни очилиб, унда филологик илмнинг тараққиёти ва ҳозирги аҳволи, адабий жараён, адабиётшунослик ва тилшунослик муаммолари борасида суҳбатлар уюштириш режалаштирилгани айтилади. Журнал масъул котиби Э.Очиловнинг адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул билан мазкур сонда эълон қилинган илк мулоқоти мумтоз адабиёт ва тасаввуфнинг ҳозирги ўрганилиш даражаси, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида.

Тилшунослик муаммоларига доир Ш.Камолиддин, М.Миртожиев, Б.Тўйчибоев тадқиқотлари, "Илмий ахборотлар" рукнида берилган кузатишлар, Сорахон Отамирзаева ва Ҳакимжон Каримов сингари фанимиз заҳматкашлари ҳақидаги дил сўзлари, "Фунун ул-балоға" асарининг давоми билан ҳам журналнинг мазкур сонида танишасиз.

ДОИМИЙ ҲАМРОҲ



Атоқли форс-тожик шоири Носир Хисравдан (1004 — 1088) авлодларга мерос бўлиб қолган кўплаб қимматли назмий ва насрий асарлар орасида "Сафарнома" алоҳида ажралиб туради. Шоир ушбу насрий китобида ўзининг етти йил (1045 — 1052) давом этган ғаройиб саёҳати хотираларини тасвирлаган.

Носир Хисрав ўзи саёҳат қилган кўплаб шаҳар ва вилоятларнинг ўша даврдаги манзараларини қизиқарли тарзда гавдалантиради. Ўзи мулоқот қилган оддий ва машҳур одамлар, турли халқлар ва қабилаларнинг урф-одатлари ва турмуши ҳақида маълумотлар беради. Қарийб минг йил илгари яратилган нодир "Сафарнома" асари ўзбек тилида илк бор китоб ҳолида "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририятида чоп этилди. Китобни форсийдан Ғулом Карим таржима қилган. Таржима матнига изоҳлар тузишда мутаржим шарқшунос олим Е.Э.Бертелс томонидан амалга оширилган асарнинг русча таржимасидаги изоҳлардан фойдаланган.

Нашрга тарих фанлари номзоди Омонулла Бўриев муҳаррирлик қилган.

# ЭКРАНДА ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ
## ИЗЛАНИШЛАР, ЮТУҚЛАР, МУАММОЛАР

*Боши биринчи бетда*

**Давра суҳбатини Республика Телерадиокомпанияси раиси ўринбосари Низомиддин Маҳмудов бошлаб берди. У бугунги кунда юртдошларимиз қалбини ватанпарварлик туйғулари билан бойитиш, ёшларни истиқлолга садоқат руҳида тарбиялаш, қадриятларимиздан тўла баҳраманд бўлишга имконият яратишдек эзгу ниятларни рўёбга чиқаришда санъаткорлар амалга ошираётган ижодий ишларни таъкидлади.**

**Ж.ТЕШАБОЕВ, киношунос, профессор:** — "Ўзбектелефилм" студияси сўнгги йиллари анча жонланиб, студия ижодкорлари турли жанрларда филмлар яратиш борасида қизғин изланишмоқда. Бу ўринда мен детектив, лирик, психологик драма, тарихий мавзулардаги филмларни назарда тутаяпман. Айни пайтда, студияда суратга олинган ҳужжатли асарлар ҳам ижодий изланиш самаралари. Бироқ бугунги асосий вазифа — ҳар қандай филмда замонавий қаҳрамон образини яратишдир.

Умуман, замонавий қаҳрамон деганда кимни кўз олдимизга келтирамиз? У бенуқсон бўлиши лозимми ёки катта ишларга қўл урган, адолат, равнақ ва бахтли ҳаёт йўлида фаол бўлса-да, инсоний хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, оддий инсонга хос камчиликлари ҳам бўлиши мумкинми? Назаримда, бугунги кун қаҳрамони — орамизда, биз билан бирга эзгу ишларга қўл урган, барчамизга яқин инсондир. Шундай экан, унда камчиликлар ҳам, хатолар ҳам учраши табиий. Бадиий образнинг томошабинга яқин ва тушунарли бўлиши учун уни изланишлари, изтироблари билан, тўсиқ ва қийинчиликлар жараёнида табиий кўрсатиш керак.

Шу маънода айтиш мумкинки, ҳужжатли филмда замон қаҳрамонини тасвирлаш нисбатан осонроқ. Зеро, бундай асарда ҳаётда ва ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган конкрет шахс тасвирланади, яъни ҳужжатли лентада замонавий қаҳрамоннинг жонли, ҳаётий образини чуқур ва ҳар томонлама очиб бериш имкониятлари кўпроқ. Хусусан, Э.Давидов, С.Аҳмадхўжаев, К.Каримов сингари режиссёрлар ҳаётдаги реал қаҳрамонлар образига алоҳида романтик руҳ бағишлаб, мазкур жанрни бойитиб келишмоқда. Ваҳоланки, студияда олинган айрим ҳужжатли филмлар камчиликлардан холи эмас. Дейлик, айрим монтажларнинг ифодавийлиги, динамикаси сустроқ, уларда яширин камерадан жуда кам фойдаланилгани сезилади.

Бадиий филмлар яратишда "Ўзбектелефилм" студияси қисқа давр ичида муайян ютуқларга эришди. Жумладан, режиссёр С.Бобоевнинг "Бойчечак" филми профессионаллик даражаси билан ажралиб туради. Бу филмга хос шоирона романтик руҳ нафақат болаларни, балки катта ёшдаги томошабинларни ҳам сахийликка, эзгуликка ундайди. Кўп қисмли "Лафз" бадиий телевизион филми ахлоқий муаммоларга бағишланган бўлиб, яхшилик ва ёмонликнинг ўзаро кураши, оиладаги ўзаро муносабатлар хусусида фикр юритишга ундайди. Асардаги Хуршида образи аёллардан етишиб чиққан замонамиз қаҳрамони тимсоли. Тўрт қисмдан иборат бу киноасарда жузъий камчиликлар борлигига қарамай, ажойиб актёрлар ансамбли (Тамара Ҳазратқулова, Муҳаммаджон Узоқов, Адолат Кимсанова) ва бошқалар меҳнати, пухта сценарий ва режиссёр иши филмнинг муваффақиятини таъминлаган. Аксинча, "Тақдир йўллари" филмининг сценарийси бўш эди. Филмнинг дастлабки вариантидаги режиссёр иши анча суст, актёрлар яхши танланмаган, образлар ўз ечимини топмаган эди. Аммо камчиликларга қарамай, муҳими, мавзу — бугунги қаҳрамон образи бор эди. Студияда бу заиф асарга янги нафас бағишланди: анча қўшимча эпизодлар киритилди, янги актёрлар таклиф этилди, зарур образлар қўшилди. Натижада ишонарли замон қаҳрамони сиймоси экранга олиб чиқилди.



Студиянинг бугунги кундаги асосий ишларидан бири милиция академияси ҳақидаги тўрт қисмли бадиий филмдир. Муаллиф Тоҳир Малик ва режиссёр Мурод Ражабов бу мураккаб мавзу ечимини моҳирлик билан топишиб, томошабинбоп, ҳаётий воқеалар ва лаҳзалар билан тўла эпизодлар яратишиб, академияда ўқиётган ҳар бир йигит ва қиз, шунингдек, мураббийлар ҳам замон қаҳрамони бўлишга ҳақли эканликлари ҳақидаги фикрни илгари суришган. Ўқув машқлари, маърузаларга филмда кўп ўрин берилган. Лекин шунга қарамай, ижодкорлар филмга романтик руҳ беришга ҳаракат қилишган. Бу борада бастакор Сарвар Қозиев ҳамда қўшиқлар муаллифи ва ижрочиси Акбарали Очилов яратган мусиқий палитра филмни безаб турибди.

Ҳар йили "Ўзбектелефильм"га ажратилаётган 20-25 миллион сўм маблағ кам, албатта. Лекин, шунга қарамай, студия жамоаси қизғин ижодий фаолият олиб бормоқда. Яратилган замон қаҳрамонлари образлари, ишончим комилки, томошабинни эзгу ишларга чорлайди, Ватан равнақи йўлида ўз хизмати, куч-қувват ва билимини аямасликка ўргатади.

**Ҳ.АКБАРОВ, киношунос:** — Суҳбатимиз давомида суратга олинган филмларни таърифлаганда, жанрлар ҳамда шаклларидан келиб чиқиб гапирсак тузук бўлади. Ғоя, мавзу танлашда хато йўқ, замон қаҳрамони образини олиб чиқишда ҳам.

Бугунги кунда биз кино билан кўрсатув шакллари бир-бирига яқинлашиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз. Иккала шаклда ҳам фақат ахборот берилаяпти, холос. Бу эса публицистик жанрга қўйиладиган талабларни оқламайди. Энг асосийси, уларда адабий-фалсафий асос йўқ.



Сўнгги пайтлари телефилм ижодкорлари республикамизнинг таниқли ижодкорлари ҳақида филм-портретлар яратишди. Масалан, "Озод Шарафиддинов" филми сценарийси қаҳрамоннинг бой интеллектуал шахсига жавоб берадиган даражада бўлмаган. Лекин шундай атоқли олим ҳақида филм яратилгани яхши, албатта. Қаҳрамонга берилган саволлар ниҳоятда жўн чиққан. Ахир, Озод ака адабиётимизнинг бутун бир тарихи ҳақида теран фалсафий фикрлар айтиши мумкин эди-ку? Шунингдек, "Ўткир Ҳошимов", "Абдулла Орипов" ҳужжатли филмларида бир-бирига ўхшашликлар кўп. Албатта, ҳар сафар ҳар бир ижодкорни ёки филм қаҳрамонини оила аъзолари, дастурхон атрофида кўрсатилади. Наҳотки, ижодкорнинг бой шахсиятини кўрсатиш учун бошқача лавҳалар топилмаса. "Моштабиб" филмига қизиқарли шахс қаҳрамон қилиб олинган. Филмда унинг тўғрисида, олиб бораётган ишлари ҳақида яхши маълумотлар бор. Бироқ ҳужжатли жанрга зид бўлган ортиқча тафсилотлар ва кадрлар учрайди. Умуман, мен ҳужжатли филмларда бир хиллик бор деганимда шуни назарда тутаяпманки, мавзуларга ёндашишда оригиналлик бўлса; қолаверса, бой телевизион заҳиралардан унумли фойдаланилса, ижодкор фантазияни чегараламаса, демоқчиман.

**С.ҲАЙИТМАТОВА, киношунос:** — Умуман, кинематография уюшмаси телекино жанрига эътиборсизроқдек. Аммо бу кичик экран бугунги кунда кинотеатрга нисбатан бир неча ҳисса кўп томошабинлар доирасига эга. Демак, унга бўлган муносабатни ҳам қайта кўриш вақти келган. Бугунги давра суҳбатимизда ана шу муаммога ҳам тўхтаб ўтсак яхши бўлади.

Мустақиллик йиллари "Ўзбектелефилм" студияси фаолиятида силжиш сезилади. Агар, аввал, телефилм кўпроқ экран бадиий ва ҳужжатли филмларига тақлидан иш олиб борган бўлса, эндиликда кўпроқ телевидение билан уйғун асарлар суратга олинаётир. Бунга сабаб, аввало, махсус телевизион техниканинг ривожланганидадир. Демак, телефилм — бу телевизион дастур учун маълум бир қисмдаги маҳсулотни яратиш билан боғлиқ ижодий иш.

Студия томонидан долзарб мавзулар бўйича кенг қамровли ҳужжатли асарлар ижод қилинмоқда. Масалан, ўтган йили "Ёруғлик" деб номланган иккита тўлиқ метражли ҳужжатли филм ишланди. Филмлар юртимизнинг энергетика ҳамда нефт-газ соҳаларида мустақилликка эришиши мавзуларида, публицистика жанрида. Уларда халқимизнинг катта имкониятлари, ёш давлатнинг ёрқин келажаги ҳақида ҳикоя қилинади. Шуниси қизиқарлики, бу филмларда ортиқча баландпарвозлик йўқ. Чунки муаллифлар мавзуни оддий ишчи ва мутахассислар фаолияти орқали очиб беришган, уларда оддий кишиларнинг ҳаёти, тақдири мустақиллик туфайли ўзгарганига гувоҳ бўламиз.

Тўғри, мамлакатимиздаги барча ижобий ўзгаришлар, янгиланишлар доимо телевидение ахборотида ўз аксини топади. Аммо телефилм ижодкорлари асарида суратга олинган, таъкидланган факт, рақамлар, ҳаётий ҳодисалар тарих учун сақланади. Телефилмлардаги воқеликларга эса публицистик руҳ сингдирилган.

Студия томонидан кейинги пайтда олинган "Хуршида" (4 қисм), "Тақдир йўллари" (2 қисм), "Жумбоқ", "Академия" филмларининг мавзуи ва қаҳрамонлари замон, замондошларимиз ҳаёти. Албатта, катта ишда камчиликлар бўлиши табиий. Аммо бу филмларнинг яхши томони шундаки, улардаги қаҳрамонлар образлари ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги билан томошабинлар қалбига яқин.

**Х.ТЎХТАБОЕВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:** — "Ўзбектелефилм" студияси болалар ва ўсмирлар учун замонавий филмлар яратишга алоҳида эътибор бераяпти. Энг муҳими, болалар олами учун долзарб бўлган мавзулар янги қаҳрамонлар талқинида берилмоқда.

Болалар ва ўсмирлар ҳаётидан олиниб, болалар ва ўсмирлар иштирокида тасвирга туширилаётган филмлар ҳам мазмунан, ҳам ғоявий жиҳатдан ранг-баранглик касб этмоқда. Худди ана шу йўналишда яратилган филмлар: "Бойчечак", "Очиқ дарс", "Менинг шотландиялик дўстим" сингари ҳужжатли ва бадиий филмлар каттаю кичикнинг олқишига сазовор бўлди. Студия болалар ва ўсмирларга атаб бадиий филмлар яратишни ҳам давом эттирмоқда. Сўнгги йиллари яратилган "Эркатой", "Баланд тоғлар остида", "Бахт гуллари" филмлари ёш томошабинларнинг маънавий ва руҳий дунёсини бойитишга хизмат қилаётганини уларнинг ўзидан келаётган мактублар ҳам тасдиқлаб турибди. Жасорат ва мардликни улуғловчи "Баланд тоғлар остида" филми ёш томошабинлар талаби ва илтимосига кўра қайта-қайта намойиш этилди. "Эркатой" филми эса болалар ва катталарнинг мураккаб муносабатига бағишланган асар сифатида барчанинг бирдек эътиборини тортганини алоҳида қайд этишимиз керак.

Бу ўринда мен Раъно Солиҳова сценарийси асосида суратга олинган кўп қисмли "Зумрад ва Қимматнинг янги саргузаштлари" филмини таъкидлаб ўтишни истардим. Эртак қайси замонда яратилган бўлишидан қатъи назар, ўша замоннинг дарду ташвишларини, орзу-умидларини акс эттиришга даъват этилган жанр ҳисобланади. Муаллифлар халқ ўртасида машҳур асардаги меҳр-шафқат, меҳнатсеварлик ғояларини ривожлантириб, унинг таъсир қувватини янада ошириш мақсадида мардлик ва жасорат, ҳалоллик ғояларини ҳам филмга сингдиришга ҳаракат қилганлар. Натижада Қора дев, Шум кампир сингари персонажлар томошабиннинг эътиборини ўзига тортиб туради.



**Ш.РИЗАЕВ, санъатшунос:** — Давра суҳбатида айтилган фикрлар хилма-хил бўлди. Мен Тешабоев фикрларига қўшиламан: ҳа, ўз миллий филмларимиз, ўз миллий қаҳрамонларимиз керак, халқимизда бунга эҳтиёж катта. Ёшларни эргаштирадиган ва тарбиялайдиган филмлар зарур. Ижодий изланишлар давом этаётир. Саноқли филмлар бор, аммо ҳали натижа кўнгилдагидек эмас. "Чархпалак" бадиий филми мўлжалга отилган ўқдек. Бизнинг асосий камчилигимиз — томошабин талабига тўлиқ жавоб бера оладиган филмлар камроқ. "Ўзбектелефилм" студиясидаги бадиий кенгаш аъзолари ҳар бир ҳужжатли ва бадиий филмни икки-уч марта кўриб, жиддий мулоҳазалар, фикрлар, тавсиялар беради. Ишларнинг жонланиб кетаётганида бу ҳаракатларнинг таъсири бўлаётир. Ижобий қаҳрамон образи, замондош образи "Тақдир йўллари", "Хуршида" каби филмларда яхши чиққан. Ана шундай филмлар билан томошабинлар савиясини ҳам кўтаришга ҳаракат қилишимиз керак. Чунки биз тараққиётимизнинг янги босқичига қадам қўйганмиз, янги паллага кираяпмиз. Демоқчиманки, савиямиз янада юксакроқ бўлиши талаб этилади.

Яхши филмлардаги ижодий тажрибаларни, анъаналарни давом эттирган ҳолда, баъзан кўзга ташланадиган қусурларни бартараф қилиш зарурлигини ҳам назардан қочирмаслик зарур. Айниқса, телефилмларда шевадан қочиш керак. Бу қусур миллий тилимизга зиён етказади, умумий маданий савиямизга салбий таъсир кўрсатади.

**И.ЭРГАШЕВ, кинорежиссёр:** — Даврадошларни тинглар эканман, "Ўзбектелефилм" студияси замонамиз қаҳрамонлари ҳақида яхши ишларни амалга ошираётганига ишонч ҳосил қилдим. Бинобарин, "Хуршида", "Қайтмас", "Чархпалак" сингари халқ меҳрини қозонган сериалларни синхрон овозлаштириш, уларга сайқал беришда телерадиокомпания дубляж бўлимининг ҳам катта ҳиссаси борлигини таъкидлаш ўринли бўлур эди. Бугунги суҳбатга тайёрланиш баҳонасида дубляж бўлими фаолияти билан танишишга, овозлаштирилган филмларни кўришга тўғри келди.

Аввало шуни айтиш keракки, бўлимда миллий дубляж мактабини ўтаган, устоз кўрган мутахассислар — режиссёрлар, муҳаррирлар фаолият юритишмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари, изланишлари туфайли "Ўзбектелефилм" студиясида яратилаётган барча асарлар маромига етказилмоқда. "Акбарнинг саргузашти", "Бойчечак", "Увайсий", "Лафз", "Тоғлик куёв" каби аллақачон томошабинларга маъқул тушган, ўтмиш маънавиятимиз намояндалари ва бугунги қаҳрамонларимиз ҳақидаги филмлар бунга мисол бўла олади.

Ўтган олти йил ичида студияда кадр ортидан дубляж қилинган филмлар сони 1370 сериядан ошган, синхрон овоз берилган кинофилмлар 183 серияга етган, жами 1100 соатлик иш бажарилган. Бу сериаллар орасида "Рамаяна", "Кусто командасининг сувости саргузаштлари", "Қалбим чечаги", "Чоликуши", "Жиловланмаган Африка", "Камила" каби юзлаб бадиий ва ҳужжатли, публицистик филмлар бор.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, 1997 йили "Ўзбектелефилм" студиясида дубляж бўлими иш бошлаши билан таржимонлар ва актёрлар доираси кенгайди. Ҳозир турли хорижий тиллардан таржима қилувчилар эллик нафарга етди, филмларга овоз беришда 200га яқин профессионал ва ёш, иқтидорли актёрлар қатнашмоқда.

Кадр ортидан ва синхрон овоз бериш янада сифатли чиқишида студиянинг энг замонавий техника билан жиҳозлангани ҳам катта имконият яратмоқда.

Дубляж — ўта нозик, ўта мураккаб санъат. Унинг ўзига хос, илғаб бўлмас жиҳатлари бор. Таржимаси ҳам, лаблаштириш усули, яъни муҳаррирлиги ҳам ижодий ёндашувни тақозо этади. Экранда тасвир ва сўз, мусиқа ва турли шовқинлар ҳамда овоз уйғунлиги бўлмаса, томошабин ҳеч нарсага тушунмайди. Демоқчиманки, дубляжда ҳам авлодлар — устоз-шогирдлар давомийлиги муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қараганда, Й.Абдукаримов, К.Усмонов сингари профессионал режиссёрлар ортидан М.Орзиев, К.Турсунбоев каби режиссёрларнинг келаётгани, А.Йўлдошев, А.Аҳмаджонов каби ёшларнинг дубляж санъати сирларини ўрганаётгани, муҳими, улар ҳам бошқа ижодкорлар қатори замонамиз қаҳрамони образини яратишга ҳисса қўшаётгани диққатга сазовордир.

**М.ОЛИМОВ, "Ўзбектелефилм" студияси бош директори:** — Давра суҳбатида айтилган фикр-мулоҳазалар, тилак ва истакларни инобатга олган ҳолда, келгусида алоҳида мавзулар бўйича яна бир анжуман ўтказиш ниятимиз бор. Ўзингизга маълум, студиямиз кам маблағ билан кўп қисмли бадиий филмларни суратга олиб келмоқда. Бу анча қийин иш. Чунки кинонинг ўз қоида, талаблари бор. Шулардан асосийси, бу — етарли маблағ зарурлигидир. Шунга қарамай, бюджетдан берилган маблағдан ташқари, ўзимиз ҳам маблағ қидириб топаяпмиз. 2004 йилдан ўзимизни ўзимиз маблағ билан таъминлашга киришмоқчимиз. Чет эллик ҳамкасблар билан ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз. Давра суҳбатида айтилган фикрларни, таклифларни, кўрсатилган камчиликларни фаолиятимизда тўла инобатга оламиз, албатта.

**Н.МАҲМУДОВ, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари**: — Суҳбат давомида айтилган фикрлар асосида студия раҳбарияти зарур тадбирлар режасини ишлаб чиқади. Бугунгидай очиқ, самимий гурунгни анъанага айлантириш лозим. Энг муҳими, замонамиз қаҳрамони киноижодкорларнинг асарларида етакчи образ бўлишига, ёрқин ва таъсирчан образлар воситасида замондошимизга маънавий куч-қувват беришга эришишдир. Бу борада бугунги давра суҳбати иштирокчиларининг ҳақли фикр-мулоҳазалари биз учун кони фойда. Умуман олганда, миллий киномиз тараққиёти, унинг жаҳон андозаларига мос тарзда шаклланиши, шу билан бирга, қадриятларимизни, урф-одатларимизни бор бўйи билан кўрсата олиш борасида киноижодкорлар ижодий изланишни изчил давом эттиришлари лозим бўлади.

Бугунги суҳбатда билдирилган мулоҳазалар кўпсонли томошабинларни бефарқ қолдирмайди, улар миллий киномиз тараққиёти учун яна нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақидаги ўз фикрларини билдирадилар, деб умид қиламиз.

---

**1 ИЮН — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ** — **ЎЗИМ ЎҚИЙМАН**

**Анвар ОБИДЖОН**

### ОҒА-ИНИ ЖАНОБЛАР

Жаноб Тошвой ўн бир ёшда,
Шу ҳовлида тўнғич ўғил.
Укаси бор — жаноб Эшвой,
Иков тинмай ишлар нуқул.

Жаноб Тошвой уй томига
Гилос экиб, "чорбоғ" қилди.
Жаноб Эшвой юлиб уни,
Қўй ҳайдашга таёқ қилди.

Жаноб Тошвой кўрпа осди
Ёмғир ювсин ғуборин, деб.
Жаноб Эшвой таппи ёпди
Қурсин латта деворинг, деб.

Жаноб Тошвой ғиштлар қуйди
Топтаб сабзи унган жойни.
Жаноб Эшвой ғишт ўссин деб
Шу томонга бурди сойни.

Жаноб Тошвой молни миниб,
Қайтар эшак ўтлатганча.
Жаноб Эшвой эшик бўяр,
Тагин кавлаб қулатганча.

Камон тутган Жаноб Тошвой
Носқовоқни нишон қилди.
Жаноб Эшвой мусалласли
Шишани тошбўрон қилди...

Ана, қамчи ушлаб ота,
Жавраб қувиб борар қирга.
Илк бор боши қовушганча
Икки жаноб қочар бирга.

### МАСХАРАБОЗ БОЛА

Катта қизил бурунли
Қизиқчиман, биласиз.
Айбингизни гапирсам,
Хафа бўлмай куласиз,
Вах-хах-ха.

Гапиришдан қўрққанлар
Олсин менинг ўрнимни.
Қарзга бериб тураман
Катта қизил бурнимни,
Вах-хах-ха.

### КЎРСИЧҚОННИНГ БАҲОНАСИ

Еб юрибман
Ғўрми-шўр.
Узр, дўстлар,
Кўзим кўр.

### СЎРҒИЧНИНГ ПУФАККА ЁЗГАН ХАТИ

Тенгдош эдик, дўконда —
Ётар эдик буришиб.
Яйраяпти гўдаклар
Энди мени сўришиб.

Кўтаришса юқори,
Бунча қувнаб, шишасан.
Ипингдан бир тортишса,
Яна пастга тушасан.

### КАЛИТГА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Сақлай десанг бурдингни,
Таниб ол ўз ўрнингни.
Тўғри келган тешикка
Суқаверма бурнингни.

### ЭЧКИЛАР ТЕАТРИДА

Қўй пастдан гул ташлади,
Артист кавшай бошлади.

### ОНА ҚУЁН МОНОЛОГИ

Опамни, уч акамни —
Ғажидингиз, бу камми,
Қашқирлар?

Сиз боис, тун-саҳарда,
Жоним доим хатарда,
Қашқирлар!

Сиз кучлисиз, сиз ажал...
Фақат инсоф қилинг сал,
Қашқирлар!

Танигунча оламни,
Еб қўйманглар боламни,
Қашқирлар!

---

# "PACT TIMUR" лойиҳаси

Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз... Юртимиз довруғини жаҳонга танитган ўлмас осори атиқалар, дунё сайёҳларини мудом қошига чорлаб турувчи қадим меъморий обидалар шу улуғ шаҳарларда қад кўтарган. Айниқса, бу меъморий мерос ичида темурийлар даврига тааллуқли обидалар шу буюк салтанат сингари машҳурдир.

Бугунги кунда аждодларимиз қолдирган бебаҳо меъморий ёдгорликлар бир халқ, бир мамлакат доирасидан чиқиб, бутун жаҳон маданий мероси сифатида тан олинган. Турли уруш ва табиий офатлардан омон қолган бу обидаларни муҳофаза қилиш, таъмирлаш ишига давлатимиз билан бир қаторда кўпгина халқаро маданий ташкилотлар ҳам ўзларини дахлдор ҳисоблайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бўлиб ўтган халқаро илмий-назарий семинар "Темурийлар даври меъморлиги археоматериаллари" мавзуига бағишланди. Европа комиссиясининг INTAS лойиҳаси доирасида ўтказилган ушбу семинарда Ўзбекистон, Франсия, Италия, Россия ва Финландия олимлари иштирок этдилар. Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази, ЎзРФА Археология институти, Шаҳрисабздаги Амир Темур музейи халқаро INTAS лойиҳасини амалга оширувчи илмий-маданий муассасалардир. Семинарда юртимиздаги маданий ёдгорликларни тиклаш ва таъмирлаш, бунинг учун бурунги қурилиш ашёларини асл ҳолида қайта тайёрлаш, меъморий мерос ва замонавий туризм, Ўзбекистонда музейшуносликни ривожлантириш муаммолари муҳокама қилинди.

Европа комиссиясининг INTAS уюшмаси янги мустақил давлатларга, хусусан, Ўзбекистон ва Россияга иқтисодий-ижтимоий ва маданий соҳалардаги илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш учун маблағ ажратиб, сезиларли ёрдам кўрсатмоқда. Бу бежиз эмас. Келажакда меъморлик, ҳунармандлик ва туризм ривожига алоқадор бўлган INTAS лойиҳаси Европа комиссиясининг тадқиқот — тараққиёт — технология сиёсати талабларига мос келади. Лойиҳа бўйича маданий мерос ва илмий-тадқиқотлар билан шуғулланаётган европаликлар гуруҳи ҳамда Франсиянинг Бордо шаҳридаги уч университет мутахассислари яқинда Ўрта Ер денгизи атрофидаги мамлакатларда олиб борилаётган ишлар бўйича ўз фаолиятларини мувофиқлаштирди. 1998 йилдан эътиборан бу ўлкаларда меъморий ва кундалик эҳтиёжга ишлатиладиган сирли сопол буюмлар бўйича тадқиқотлар ўтказиб келинмоқда. Тадқиқот ишлари қизиқарли саволларни келтириб чиқарди: кошин ва сирли сополдан фойдаланиш борасида Марказий Осиё ва Ўрта Ер денгизи мамлакатлари орасида қандай ўзаро таъсир мавжуд? Сирли сопол тайёрлаш техникаси дастлаб, эхтимол, Марказий Осиёда пайдо бўлгандир?.. Бугунги кунда Буюк ипак йўли, деб аталаётган асосий карвон йўллари янги ғоялар, фикрлар, технологиялар, усталар, хомашё ва тайёр маҳсулотлар алмашинувида асосий ўрин тутгани барчага аён. INTAS лойиҳасини ишлаб чиқишга ундаган сабаблардан бири ҳам шу бўлди. Лойиҳанинг келгусида ҳунармандлик, таъмирлаш ва маданий сайёҳлик соҳасидаги халқаро тадқиқотларга ёрдам бериши кўзда тутилди. Темурийлар даври меъморий ёдгорликлари қурилиш материаллари тадқиқига доир PACT TIMUR лойиҳаси шу тариқа юзага келди. Лойиҳа бўйича биринчи илмий семинар 2002 йилнинг 22 — 27 октябр кунлари Франсиянинг Бордо шаҳрида бўлиб ўтган эди. Ўзбекистондаги халқаро йиғилиш эса иккинчи семинар бўлди.

**Тўлқин ТОҒАЕВ,**
**Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази етакчи илмий ходими**

---

# ТАҚДИМОТ

Ўзбекистон Миллий университети филология факултетида ёзувчи Ғулом Каримнинг "Соҳибқирон ва аллома" тарихий қиссалар китобининг тақдимоти ва муҳокамаси бўлиб ўтди. Йиғилишни адабиётшунос олим Нурбой Абдулҳаким олиб борди.

Драматург Ҳайитмат Расул "Турон қоплони", "Соҳибқирон ва аллома" драматик қиссаларининг ютуқлари тўғрисида гапириб, уларнинг Жиззах ва Хоразм вилоят театрларига саҳналаштириш учун тавсия қилингани ҳақида маълумот берди.

Навоийшунос олим ва адиб Абдуқодир Ҳайитметов эса, Ғулом Карим олимлик ва ёзувчилик иқтидорини ўзида омухта қилганини айтиб, унинг ютуқлари билан бирга, айрим камчиликлари, жумладан, Темур Малик ўлимини бирмунча жўн талқин этганлигини кўрсатиб ўтди.

Шарқий туркистонлик ижодкор Ҳурматжон Фикрат жаҳонда ўзбек ва уйғур каби бир-бирига яқин халқ йўқ, ўзбек адабиётида яратилган ҳар бир асар уйғур ўқувчилари томонидан ҳам қизғин кутиб олинади, деди ва Ғулом Каримнинг "Карвон" қиссаси босилган "Булоқ" журналини ёзувчига тақдим этди.

— Биз ҳаммамиз тарихни яхши биламиз, деб ўйлаймизу, лекин тарихий асарларни ўқиганда тарихни билмаслигимиз маълум бўлади, — деди таниқли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, — тарихий мавзуга мурожаат қилар экан, ижодкор ундан ўз позициясини мустаҳкамлайдиган фактлар қидириши, уларни ўз концепциясига хизмат қилдириши керак. "Карвон" қиссасида, бундай қараса, конфликт йўқдек, лекин ўқувчини ушлаб турадиган сюжет йўналиши мавжуд, бу — Маҳмуддаги илм-маърифатга ташналик. Менингча, ёш Маҳмудни ҳаракатга соладиган муҳим зиддият бор ва уни кучайтирса, бу асарни романга айлантириш ҳам мумкин...

Муҳокамада адабиётшунослар — Қозоқбой Йўлдошев, Баҳодир Каримов, Ҳамидулла Болтабоев, Улуғбек Долимов, адиб Раҳим Отаев, шоир Барнобек Эшпўлатов, тарихчи Ҳалим Тўраев, Абдусаид Абдуллаев, факултет талабалари — Умринисо Тўраева, Турсуной Шукурова, Гулрухсор Умарова сўзга чиқиб, ёзувчи қиссалари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Э.ОЧИЛОВ**

**Газетанинг навбатдаги сони 6 июн куни чиқади.**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
*НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93*
*Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 133-49-93*

Бош муҳаррир Мурод АБДУЛЛАЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*
Навбатчи муҳаррир — Саидолим АБДУРАҲМОНОВ
Саҳифаловчи — Шоҳруҳ ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г— 421. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. '1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—5327